VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

11-12 (281) ● 2014 йил 19 март, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Мамлакатимизда истиқлол йилларида адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Наврўз байрами халқимизнинг ўзига хос миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган. Кўкламнинг кириши билан ёшу қари бирдек байрам шукуҳидан шодланади

5 МАЪНАВИЯТ



Индонезия халқ партияси демократия тамойилларига таяниб, мамлакат суверенитети, бир бутунлиги, миллий манфаатлари ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Хабарлар

### Ҳаққонийлик ва сифат

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат статистика қўмитаси томонидан “Статистик ахборотлар сифати ҳамда мазмунини янада такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Таъкидланганидек, 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан ҳисоботлар сони деярли икки баробарга қисқартирилиб, уларнинг ўрнига якка тартибдаги корхоналар, оила ҳамда бизнеснинг танлама кузатувлари жорий қилинди. Шунингдек, анжуманда Давлат статистика қўмитаси томонидан иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича 16 та статистик нашр чоп этилгани, жорий йилда яна иккита янги нашр унга қўшимча равишда чиқарилиши алоҳида таъкидланди.

Анжуман якунида журналистларнинг барча саволларига ҳужжатлар, ҳаётий лавҳалар асосида жавоб қайтарилди.

### Бўш иш ўринлари ярмаркаси

**Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**

Унда 96 корхона, ташкилот ва муассаса мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада 84 нафар, жумладан, 12 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди. Наманган шаҳар “Сувоқова”, “Ободонлаштириш” ва “Наманганмаш” корхоналари томонидан таклиф этилган иш ўринлари иштирокчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. — Наманган қурилиш ва дизайн касб-ҳунар коллежини битирганман, - дейди ёш мутахассис Зарнигор Мусахонова. — “Электротерм” корхонасига ишга йўлланма олдим ва бундан жуда хурсандман.

### Нақшинкор чизгилар

**Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойесида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон ва Россия Бадиий академияси академиги, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори Алишер Мирзаевнинг “Нақшинкор чизгилар” деб номланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Кўргазмага қўйилган асарларда жаҳон ва юртимиз маданиятининг айрим кўринишлари, умуминсоний ва миллий қадриятлар, тарихий шаҳарларимиздаги меъморий ёдгорликлар акс этган. Томошабинлар “Қуръони Карим ёғдуси”, “Шоҳи зинда узра оққушлар”, “Асрлар оша”, “Самарқанд нони”, “Жазирама. Ёрқин Бухоро”, “Катта Нью-Йорк”, “Қариялар” ва бошқа қатор асарлар билан танишиш имконига эга бўлдилар. Кўргазма доирасида рассом билан ижодий учрашув ташкил этилди. Унда рассом ёш ижодкорларга тасвирий санъат сирлари ҳақида гапириб берди.

Фракция ҳаёти





## Конституциявий ислоҳотлар

### мамлакатимизни модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бермоқда





*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамаси бўлиб ўтди.*

Барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан қўллаб-қувватлаб, фикр-мулоҳазалар билдирилганидан сўнг мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

2-бет

ЎзМТДП ташкилотларида

## Ҳудудий Кенгашлар Пленумлари

### устувор вазифалар муҳокамасига қаратилди

***Шу кунларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий Кенгашларининг навбатдаги пленумлари ўтказилмоқда. Уларда партия вилоят Кенгашларининг фаолияти ва белгиланган устувор вазифалар ижроси танқидий таҳлил этилмоқда.***

ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши пленумида партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят Кенгаши фаоллари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленум кун тартибидан Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда партия вилоят Кенгаши фаолиятига оид масалалар ўрин олди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ўтган вақт ичида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, икки палатали парламентни вужудга келтириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳамда сиёсий партияларнинг вазифа ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борадаги ҳуқуқий асосларнинг йилдан йилга такомиллашиб бораётгани мамлакатимизни модернизация қилиш ва янада демократлаштириш жараёнларида муҳим аҳамият касб этаётганини бугун вақт ва тажриба кўрсатиб турибди.

Аммо, амалий негизда партиялар ўртасида ўзаро рақобат, қонунлар сифатини яхшилашга ва электорат манфаатларига қаратилган ғоя ва дастурлар кураши, жойларда партия гуруҳлари томонидан ҳар бир партиянинг ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий фаолият, шунингдек, аниқ мақсадларни кўзловчи, масаланинг муқобил ечимини кўрсатиб берувчи дастур ва лойиҳаларни илгари суришда етарли даражада ташаббус кўрсатилмаяпти.

2-бет

Боқий мерос

## Наврўз — миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз кўзгуси

*Гуллар ифорини таратиб ҳар ён,*
*Баҳор гўзаллигин қилади кўз-кўз.*
*Бугун қутлуғ кундир, муборак айём,*
*Юртимга хуш келдинг, марҳабо Наврўз!*



Бугун она заминимизда баҳор нафаси кезмоқда. Кўнгилларда баҳорий иликлик, кайфиятимизда баҳорий жўшқинлик ҳукмрон. Бу фасл бошланиши билан қалбларимизни байрам шукуҳи чулғаб олади. Халқимиз ҳаётидаги энг қадимий ва навқирон байрам — орзулар ва шодлик байрами Наврўзи олам юртимизда катта шоду хуррамлик ила кенг нишонланади. Айниқса, мустақиллик йилларида Наврўз, у билан боғлиқ миллий анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланиб, ушбу байрамга бўлган эътибор янада кучайди. Буни ҳар йили давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинадиган Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисидаги қарорлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори бу йилги Наврўз шодиёналарига пухта тайёргарлик кўришда, муҳим ўрин тутади.

Узоқ йиллик тарихга эга Наврўз ҳамма даврларда ҳам халқимизнинг энг улуғ байрамларидан бири бўлиб келган. Бу байрам тарихий тараққиёт жараёнида халқимизнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида юзага келди.

5-бет

Сайловчилар билан учрашув

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари жойларда сайловчилар билан учрашиб, юзма-юз мулоқотда бўлдилар.***

## Юрт тараққиётига молик масалалар

### юзма-юз мулоқотларда муҳокама қилинмоқда

Учрашувларда фракциямиз аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, хусусан, парламент палаталари қўшма мажлисида илгари сурилган Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган тадбирларнинг аҳамияти, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти каби масалаларга эътибор қаратишди.

2-бет



“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ЎзМТДП ташкилотларида



# Ҳудудий Кенгашлар Пленумлари

**устувор вазифалар муҳокамасига қаратилди**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам бу борадаги фикрларини билдириб ўтдилар. Шу нуқтаи назардан ЎзМТДП Дастурининг кўпгина ғоявий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мақсад-вазифаларини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш зарурати мавжуд, - деди партия раҳбари.

Таъкидланганидек, партия Наманган вилоят Кенгаши томонидан ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари, ғояси ҳамда электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган 850 га яқин тадбир ташкил этилиб, уларда 65 минг нафардан зиёд фуқаро иштирок этган. Партия фаолиятини лойиҳалар орқали бошқариш амалиётини кенг қўллаш, партиявий тадбирлар ташкил этишда замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" йўналишларида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Партия гуруҳлари фаолиятида эришилган натижалар билан бир қаторда, ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига киритилаётган ташаббус-масалаларда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, фан-таълим, иқтисод, хусусан, миллий бозорни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлиги ва экология масалаларига нисбатан эътиборни янада ошириш талаб этилади.

Шунингдек, Пленум кун тартибидаги партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Пленуми ҳам конструктив фикр-мулоҳаза ва таклифларга бой тарзда ўтди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида сиёсий партиялар ҳам муносиб иштирок этишга интилмоқда. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашиш, партиямиз ғоялари ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларни илгари суриш борасида ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши ҳам фаоллик кўрсатишга интилмоқда. Фикримиз исботи учун рақамларга мурожаат қилсак. Ўтган йили вилоятда партия аъзолари сони 14 529 нафардан 15 минг 560 нафарга, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 11 тага кўпайди. Йил давомида 1 минг 110 та тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнига алоҳида эътибор қаратилди, - деди йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Сиёсий партиялар, аввало, ўз электоратига, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позициясига эга бўлиши, сайловчилари манфаатларини қатъий ҳимоя қилиб, улар орасида обрў қозониши лозимлиги ҳам мазкур дастуриламал маърузада аниқ далиллар орқали таҳлил қилинди. Шу ўринда партиямиз замон талаблари даражасида фаолият олиб бормоқдами, мавжуд имкониятлардан фойдалана оляпмизми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Жорий йилда ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, депутатлик бирлашмалари ташаббускорлигини ошириш, кадрлар потенциалини кучайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришнинг энг таъсирчан усулларини излаб топишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш фаолиятимиз мезонига айланмоғи лозим.

Шунингдек, Пленумда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар сўзга чиқиб, ўтган йилда партия фаолиятининг барча йўналишларида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва жорий "Соғлом бола йили"даги устувор вазифалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

* * *

Партия фаолиятининг устувор вазифалари муҳокамасига қаратилган навбатдаги Пленум ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгашида ташкил этилди.

Пленумда партиямиз ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларга қай даражада эриша олди, унинг ғоя ва мақсадлари аҳоли орасида қандай тарғиб қилинди, партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи, аъзолар, хайрихоҳлар сони ошдими, деган масалалар ҳудудий партия ташкилоти фаолияти мисолида таҳлил қилинди. Эътироф этилганидек, партия Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан ўтган йили 1 минг 272 та тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, унда 65 мингга яқин фуқаро иштирок этди. Партия аъзолари сафи кенгайиб, бошланғич партия ташкилотлари сони ҳам кескин ошди. Бу борада, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ўнлаб нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, партия фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов сўзга чиқди.

— Партиямиз фаолиятида депутатлик бирлашмалари ташаббускорлиги муҳим ўрин тутади. Ўтган йили барча даражадаги депутатларимиз марказда ва жойларда партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти билан фуқароларни таништириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига қатор ташаббус-масалалар киритилди. Аммо, бу борада имкониятларимиздан тўла фойдалана олмаган жиҳатлар ҳам кўзга ташланди. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига киритилаётган ташаббус-масалаларнинг аксарияти миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва туризмни ривожлантириш масалалари билан чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, партиямиз сайловолди Платформасида ҳудудлар ривожига ҳисса қўша оладиган қатор вазифалар ҳам белгиланганки, улар депутатларимиз эътиборидан бироз четда қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қабул қилинаётган қонунларда фракциямиз аъзолари партиямиз электорати манфаати ва сайловолди платформамизда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ўз таклифларимиз билан фаол иштирок этиб келмоқдамиз. Жорий йилда ҳам фракциямиз томонидан партия дастурий мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга оид саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади, - деди нотиқ.

Пленумда сўзга чиққанлар жорий "Соғлом бола йили"да ЎзМТДП олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтишди. Таъкидланганидек, ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари "Соғлом бола йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури юзасидан ўз иш режасини ишлаб чиқди. Давлат дастури ва партия иш режасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партиямизнинг барча даражадаги бўғинлари ва депутатлик корпусларидан алоҳида ташаббускорлик талаб этилади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Фракция ҳаёти

# Конституциявий ислоҳотлар

**мамлакатимизни модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бермоқда**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида ҳам ушбу қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди. Фракция аъзолари қайд этишганидек, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини янада кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси Президентимиз томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давомидир.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари мустақил тараққиёт йилларида эришилган марралар ва муваффақиятлар — бу, энг аввало, мамлакатимизда ислоҳотларнинг "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ўзгаришларнинг натижаси эканлигини таъкидладилар.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тажрибаси халқимизнинг тарихий ва миллий ўзига хосликлари ҳамда менталитетини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Конституциясида белгиланган стратегик мақсадлар ва вазифалар томон тадрижий, босқичма-босқич ҳамда изчил қадам ташлашнинг нақадар тўғрилигини тўлиқ тасдиқлади. Бунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни — бу бир марталик ва бир лаҳзалик жараён бўлмай, балки пировардида, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланган истиқболда ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш мақсадларини кўзловчи узлуксиз давом этаётган жараёндир. Эришилган марралар, жамиятимиз ҳаётида шиддат билан юз бераётган ўзгаришлар, шунингдек, кўзланган мақсад ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларга замин бўлди.

Муҳокамаларда сўз олган фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси тизимли равишда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар негизида турган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш ва уни ривожлантириш йўлида яна бир янги босқични бошлаб беришини таъкидлашди.

Билдирилган фикр, таклиф ва мулоҳазалардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда якдиллик билан, тўлиқ қўллаб-қувватланди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Қонун лойиҳасида Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасига парламент назоратини амалга ошириш бўйича конституциявий ваколат берилмоқда. Бу энг аввало, Олий Мажлиснинг демократик ислоҳотлар тарғиботчиси ва етакчисига айланишида муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, парламент назорати институтининг конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланиши қуйи ва юқори палатанинг назорат функцияларини амалга оширишдаги ваколатларини кенгайтиришнинг яхлит тизимини шакллантиради. Шу билан бирга, ушбу норманинг амалиётга жорий этилиши ижро этувчи органлар фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш самарадорлиги ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

***Мавжуда РАЖАБОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Конституцияга киритилиши таклиф этилаётган қўшимчага кўра, Вазирлар Маҳкамаси самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши билан бир қаторда, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар экани белгиланмоқда.

Албатта, бу жиҳат фан, таълим, маданият, соғлиқни-сақлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг бошқа тармоқларида дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасида ҳукумат масъулиятининг оширилишида муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, партиямиз электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилишда долзарб ўрин тутади.

Сайловчилар билан учрашув

# Юрт тараққиётига молик масалалар

**юзма-юз мулоқотларда муҳокама қилинмоқда**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хазорасп сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов сайловчилар билан учрашувларда қуйидагиларга тўхталиб ўтди:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самара ва натижаларини бераётганини турмушимиз фаровонлашиб бораётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Айниқса, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлиши, ҳудудларнинг тараққий этиши, шунингдек, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, Юртбошимиз томонидан сўнгги 2 йил ичида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир 4 та қарор қабул қилинди. Ушбу қарорларнинг ижро этилиши аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хоразм автомобиль заводи ишга туширилгани, илк маҳсулот — «Shevrolet Orlando» русумли автомашина ишлаб чиқарилаётгани нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг Конституция қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ўтган йилда мамлакатимиз эришган юқори ўсиш суръатлари факт ва рақамлар орқали қайд этилди. Эътироф этиш жоизки, маърузада сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар фаоллигини ошириш, давлат ва жамият ҳаётида уларнинг иштирокини кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП ҳамда партия гуруҳлари фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Шу маънода партия гуруҳларининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига ташаббус-масалаларни олиб чиқишдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хоразм вилояти мисолида гапирганда, ҳудуддаги Хазорасп қалъасини асраб-авайлаш, унинг негизида туризм мажмуаси барпо этиш борасидаги ишларда ЎзМТДП ва партия гуруҳи ҳам фаол иштирок этмоқда. Таъкидлаш жоизки, сайёҳлик инфраструктураси тўла фаолият кўрсатиши натижасида юзлаб янги иш ўринлари яратилади, туман иқтисодиёти учун бутунлай янги бўлган мазкур тармоқдан даромад кела бошлайди. Қолаверса, ушбу қалъа ўзининг тарихий аҳамияти билан ёшлар қалбида Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини янада мустаҳкамлайди.

Маърузачи парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти борасида ҳам тўхталиб ўтди:

—"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифалар қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимизнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, давлат молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш мақсадида Концепция асосида ишлаб чиқилган Бюджет кодекси бюджет жараёнини тартибга солувчи ягона меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Бюджет кодексини янада такомиллаштириш мақсадида уни 2014-2015 йиллар давомида апробациядан ўтказиш белгиланди. Бу жараёнда зарур бўлганда Кодексга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Бунда ЎзМТДП фаоллари ва партия гуруҳлари, шунингдек, фуқаролар ҳам фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишлари талаб этилади. Бу борада ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан Бюджет кодексининг мазмун-моҳияти муҳокамасига бағишланган қатор давра суҳбатлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Улуғбек Муҳаммадиев, Акмал Саидов, Арслон Эшмуродов ҳамда Урал Хаитов Қашқадарё вилоятида сайловчилар билан учрашувлар ўтказишди. Хусусан, депутатлар ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ижтимоий шериклик: қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда фракция аъзоси Арслон Эшмуродов маъруза қилди:

— Концепцияда илгари сурилган ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш нуқтаи назаридан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ҳамда бир нечта лойиҳалар муҳокама қилинмоқда. Жумладан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси 2014 йил 24 февраль куни қонунчилик ташаббуси тартибида бир гуруҳ депутатлар томонидан Қонунчилик палатасига киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг бўлиб ўтган ялпи йиғилишида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳасида мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш бўйича устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шерикликнинг қатор соҳалари назарда тутилмоқда. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликка кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини асраш ва шу орқали баркамол ва соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни ҳамда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлар ўз аксини топган, - деди маърузачи.

Шунингдек депутатлар Миришкор, Касби, Муборак, Яккабоғ ва Нишон туманларида бўлиб ўтган учрашувлар доирасида "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари: қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП раҳбари У.Муҳаммадиев, фракция аъзолари А.Саидов ва А.Эшмуродов маъруза қилишди. Депутатлар мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида тўхталиб, бу борада Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлашди. Тадбир иштирокчиларига мазкур қарор мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилди.

Шунингдек, ҳар бир депутат ўзи сайланган округда бўлиб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилдилар. Уларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари билан қизиқдилар. Жумладан, ҳудудларда хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, миллий ҳунармандчилик йўналишидаги уста-ҳунармандларнинг фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан тушган саволларга депутатлар ўз таклиф ва тавсияларини беришди.

* * *

Пахтакор, Зафаробод ва Жиззах туманларида бўлиб ўтган учрашувларда 33-Пахтакор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Абдуғафур Маматов асосий эътиборни "Соғлом бола йили" давлат Дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятига қаратди. Таъкидланганидек, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган эътибор замирида мамлакатимиз тараққиётига бўлган юксак ишонч ва эътибор турибди. Хусусан, Давлат дастурида назарда тутилган тиббиёт муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, спорт объектларини таъмирлаш ва янгиларини бунёд этиш каби мақсад-вазафалар ҳар томонлама соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, депутат парламент қуйи палатасида қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишдан бошлаб қабул қилишгача бўлган изчил жараён, ЎзМТДП фракциясининг бу борадаги фаолиятига ҳам тўхталди. ЎзМТДП фракциясининг партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ташаббуси билан чиқиш, ЎзМТДПнинг асосий дастурий вазифалари бўлган миллий ҳунармандчилик, туризм, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари тўғрисида сайловчиларга батафсил маълумотлар берилди.

* * *

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Мавжуда Ражабова ҳамда Шавкат Болтаев бухоролик сайловчилар билан бўлган учрашувларда истиқлол йилларида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларда, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимида эришилган марралар, ташқи сиёсат ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди. Жумладан, Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгаши йиғилишидаги маърузаси мазмун-моҳияти ва аҳамияти борасида тўхталиб, юртимизда болалар спортини ривожлантириш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Шунингдек, депутатлар ЎзМТДП фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисида ҳам маълумотлар беришди. Таъкидланланидек, бугунги кунда фарзандларимизнинг хавфсиз ўйинчоқлар билан таъминлаш, вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш устида иш олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳалар бевосита ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига мослиги билан фракция аъзоларининг янада фаоллиги ва ташаббускорлигини ошираётгани қайд этилди.

* * *

Фарғона вилояти, Ёзёвон туманидаги сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мавлуда Алимова мамлакатимизнинг ҳар бир соҳада эришаётган ютуқлари замирида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мужассам эканини, айниқса, ёш авлодга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида эътироф этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг барча аъзолари жойларда бўлиб, ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотларда қатнашдилар. Сайловчилар билан бўлган учрашувларда халқ вакиллари ҳудудлардаги электорат манфаатлари билан қизиқишди. Уларнинг саволлари юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини бердилар. Учрашувларда аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга бефарқ эмаслиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу уларнинг фаоллигида, қабул қилинган қонун ва қарорларга ўз муносабати ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир таклиф-мулоҳазалар билдираётганида ўз аксини топмоқда. Сайловчилар томонидан билдирилаётган фикр ва таклифлар келгусида янги ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва амалдаги қонун нормаларининг янада такомиллашувида муҳим ўрин тутади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳамда уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган халқ ҳашарлари истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини ёшлар онгига сингдириб бориш ва уларни кенг жалб қилиш, ёшларнинг фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси **"Юртим тарихини ўрганаман"** шиори остида **"Озод юртнинг обод гўшаси"** Ёшлар акцияси доирасида танлов эълон қилади.

**Танлов шартлари**

1. Акцияда ҳудудий партия ташкилотлари "Ёшлар қаноти" етакчилари ва аъзолари иштирокида эътибордан четда қолган маданий ёдгорликлар жойлашган ҳудудларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш. *(Бунда маданий ёдгорликлар жойлашган ҳудудни ҳашар йўли билан тозалаш, ободонлаштириш, кўчатлар экиш, чиқиндиларни чиқариш ишларини олиб боришади).*

2. Ободонлаштириш ишлари олиб борилган қадимий ёдгорликлар тарихини ўрганиш *(ободонлаштириш ишлари олиб борилган маданий ёдгорликнинг тарихий* ўтмиши ва бугунги ҳолати ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган, иштирокчилар интервьюси асосидаги мақолани республика газета ва журналларида чоп этиш, шунингдек, ҳудудий ОАВда ёритилганлиги тўғрисидаги видеороликларни *белгиланган муддатларда тақдим этиш).*

3. Ҳашар уюштирилган маданий ёдгорликларда ҳудудий партия ташкилотлари "Ёшлар қаноти" томонидан амалга оширилган ишларни акс эттирувчи фотоальбом тайёрлаш.

**ИЗОҲ:** тақдим этиладиган маълумотлар (асл ва электрон нусхалари) **2014 йилнинг 26 апрелига** қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Акция ўтказувчи комиссия манзили:** *Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси 30 уй (Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими, yoshlarqanoti@mail.ru).*

**Танловни ўтказиш тартиби**

Тақдим этилган маълумотлар Ташкилий гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Акция жорий йилнинг **24 мартидан 28 апрелига** қадар давом этади. Ғолиблар акция якунига бағишланган тадбирда тантанали равишда тақдирланади.

**Ташкилий гуруҳ**

Ёшлар қаноти



# Истеъдодли ижодкор ёшлар

## миллат кўзгуси

***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Истеъдодли ижодкор ёшлар — миллатнинг маънавий кўзгуси" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирни халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, шоира Шаҳло Аҳророва кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:***

— Ёшларни аждодлардан қолган маънавий меросни асраб-авайлаш, миллий қадрият ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда келажак эгаларини адабиётга қизиқтириш, уларнинг маънавий оламини бойитиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда истиқлол йилларида адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариш борасида муайян саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда вилоятда ҳам адабиёт соҳасига қаратилаётган эътибор кўплаб истеъдодли йигит-қизларнинг кашф этилишига замин яратмоқда. Ана шундай ижодкор ёшлар орасидан, айниқса, нуфузли давлат мукофотлари совриндорлари етишиб чиқаётгани эътиборга лойиқ. Партия вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилаётган ушбу тадбир ижодкор ёшларнинг иқтидорларини намоён қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда янги истеъдод эгаларини кашф қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда вилоят Маънавият-тарғибот маркази раҳбари Шуҳрат Туратов, ЖДПИ қошидаги "Сайилжойи" академик лицейи кафедра мудири Тўлқин Холжўраев, вилоят ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Абдухалил Саттаров, шоира Саъдина Бобомуродова сўзга чиқиб, ижодкор ёшлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари, уларни қўллаб-қувватлашда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" томонидан амалга оширилаётган ишлар, истеъдод эгаларининг имкониятларини рўёбга чиқаришда таълим муассасаларининг ўрни, уни амалга оширишнинг ташкилий жиҳатлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир давомида ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндаси, атоқли шоира Зулфияхоним, Ватан куйчиси Муҳаммад Юсуфнинг бетакрор ва ўлмас ижоди, ўзбек шеъриятига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, назм, наср ва публицистика жанрларида ижод қилаётган бир гуруҳ ёш истеъдод эгаларининг ижодидан намуналар тингланди.

***Азиза АҲМАДОВА,***
***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:***

— Ёшлик орзулар билан гўзал. Оламни софлик ва беғуборликка чулғаган бу фаслнинг туйғулари ҳам ўзи қадар оқликка йўғрилган. Биз чиндан бахтли ёшлармиз. Чунки мустақиллик, осойишталик, барқарорлик ҳукмрон, фарзандлари юксак эъзоз ва эътиборда бўлган юртда камол топмоқдамиз. Кўнгилларимиздаги ижодга бўлган меҳр ва иштиёқ ҳам шундан бўлса керак. Чунки тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ҳукм сурган юртда эзгу ниятли, улкан орзуларга эга, келажакка мустаҳкам ишонч билан қарайдиган бахтиёр ёшлар улғаяди. ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилган ушбу тадбир ижодкор ёшлар қалбида ана шундай туйғуларни янада юксалтириш, уларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, энг асосийси, партия дастурий мақсад ва вазифалари ижросини таъминлашга хизмат қилгани билан аҳамиятли бўлди.

***Рустам НУРМАТОВ,***
***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:***

— Истеъдод инсонга берилган буюк неъмат. Уни вақтида кашф этиш ҳамда муносиб рағбатлантириш ижодкорни ўз устида тинимсиз ишлаш, янги чўққиларни забт этишга ундайди. Эътироф этиш лозимки, партиямизнинг ёш аъзолари орасида ёрқин истеъдод соҳиблари, шу жумладан, адабиётга, шеъриятга меҳр қўйган ёшлар кўплаб топилади. Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни муносиб рағбатлантириш, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояси, эзгулик ва фидойилик тушунчаларини сингдириш орқали жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли хил ғоявий таҳдидларга қарши курашиш сингари партия дастурий мақсад-вазифалари рўёбида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Хроника

# Янгиланиш ва яшариш айёми

## партия ҳудудий ташкилотлари тадбирларида Наврўз умумхалқ байрамининг аҳамияти тарғиб қилинмоқда

### САМАРҚАНД

— Наврўзи оламни халқимиз ўзгача руҳ, ўзгача кайфият билан нишонлайди, - деди "Миллий қадриятлар қадри" мавзусида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Каттақўрғон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Нозим Жалилов. — Наврўз — қадим тарихга эга, миллий байрамларимиздан бўлиб, азалий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни ўзида акс эттиргани билан қадрлидир. "Янги кун" элюртимизга қут-барака, ризқ-рўз олиб келиш билан бирга ҳар бир инсон қалбига меҳр-мурувват, эзгулик уруғини сочади. Партиямиз фаоллари ўтказилаётган хайрия тадбирларида ҳудудларимиз ободончилиги йўлидаги саъй- ҳаракатларга бош-қош бўлмоқда.

Тадбир иштирокчиларига Мажидий номидаги театр жамоасининг бадиий чиқишлари хуш кайфият улашди.

### ФАРҒОНА

ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Гиёҳвандлик аср вабоси" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар бугунги кунда юртимизда гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани, 1999 йилда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар. Эътироф этилганидек, фарзанд тарбиясида, аввало, ҳар бир ота-она, маҳалла-кўй, таълим-тарбия масканлари билан бир қаторда партиямиз фаоллари ҳам янада эътиборли бўлишлари, ёшларнинг билим олиши, фикри-дунёқараши соғлом бўлиб камол топиши учун жавобгар эканлигини англамоқлари зарур. Тадбир якунида "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" номли видеоролик намойиш этилди.

### СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Термиз туман Кенгаши томонидан "Элимга хуш келдинг, Наврўз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Халқимиз Наврўз айёмини неча минг йиллардан буён нишонлаб келади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Соатмурод Назаров. — Наврўз — табиат чексиз саховатининг ёрқин кўриниши ҳисобланади. Ушбу айём қалбимизга ёруғлик олиб киради, кўнглимизни мунаввар этади. Янги кун деб эътироф этилувчи айём ўзига хос қадр-қимматга, узоқ йиллик тарихга эга. Шу боис, ушбу кунда партиямиз фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари аъзолари ташаббуси билан маҳалла ва қишлоқларда халқ ўйинлари намойишларига тайёргарлик кўрилмоқда.

Маънавий-маърифий кеча давомида тумандаги мусиқа мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий дастурлар тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Муборак туман Кенгаши томонидан "Аждодлар мероси — улуғ қадрият" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол шарофати билан юртимизда аждодлар хотирасини эъзозлаш, улар қолдирган бой маънавий меросни қадрлаш, ўрганиш муқаддас ва шарафли бурчимизга айланганини таъкидлашди. Юртбошимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, жаҳон миқёсида кенг намойиш этиш, буюк алломаларимиз меросини фундаментал тадқиқ қилиш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кенг шарт-шароит яратилди. Тадбир якунида талаба-ёшлар ўзларининг бадиий чиқишлари билан иштирок этишди. Шунингдек, бир гуруҳ иштирокчиларга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Янгибозор туман Кенгаши ташаббуси билан "Наврўзи олам муборак!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Наврўз байрами ёшу қари кўнглидан бирдек жой олиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз, саодатли кунларнинг қадрига етиш шукронасини дилга солади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Гулбаҳор Сапарова. - Байрам шукуҳи кезиб юрган бу мунаввар кунларда ўтказилаётган тадбирлар, маънавий-маърифий учрашувларда халқимизнинг неча минг йиллик боқий маданияти, анъаналари ва эзгу қадриятлари тараннум этилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналган миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни чуқур ўрганиш ва халқимизнинг бой меросини ҳамда эришилган ютуқларни улғайиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилишда Наврўз айёмининг аҳамияти беқиёс.

### НАВОИЙ

— Глобаллашув жараёнида "оммавий маданият" тушунчаси моҳиятини янада чуқурроқ англаш долзарб аҳамият касб этади,- деди партия Учқудуқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси У.Тайирова "Глобаллашув жараёнида "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига таъсири" мавзусида ўтказилган тадбирда. — Бугун замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Аммо шиддатли ахборот оқими ижобий томонлари билан бирга ўз салбий жиҳатларини ҳам кўрсатмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод ўз йўлидан адашмаслиги учун улар онгига ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари туйғуларни, жаҳон маданияти ва тамаддунига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз қолдирган мерос нақадар бебаҳо эканини сингдириш барчамизнинг вазифамиздир. Тадбир давомида иштирокчилар эътиборига "Оммавий маданият" — маънавиятсизликдир" мавзусидаги фильм ҳавола этилди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

— Мустақилликка эришгач ўз тараққиёт йўлини танлаб олган Она Ватанимизда истиқомат қилаётган юртдошларимизга барча соҳаларда фаолият олиб боришларида кенг имкониятлар яратиб берилди,- деди "Мустақиллик ва миллий маънавиятнинг тикланиши" мавзусида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан партия Олмалиқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ў.Мирзанов. — Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида Президентимиз ташаббуси билан давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизимида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Бугун жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон ўз ўрнига эга эканлиги ва жаҳон бозорига маҳсулотларимиз экспорт қилинаётгани ҳар биримизда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Тадбир якунида ташаббускор, фаол ёшлар партия сафига қабул қилиниб, аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Эътироф ва рағбат

## янги марраларни забт этишга ундайди

***Партия ғоя ва мақсадларини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, дастурий вазифаларни амалга ошириш, энг муҳими, электорат манфаатларини ҳимоялаш, сайловчилар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва партия кадрлари захирасини шакллантиришда ҳудудий, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларининг роли жуда муҳимдир. Бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 177 минг нафарга яқин аъзосини бирлаштирган 14 та ҳудудий, 194 та туман ва шаҳар ҳамда 5 минг 327 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.***

Маълумки, партия тизимлари фаолиятини Устав ва Дастур талаблари доирасида намунали йўлга қўйган, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётган ва ЎзМТДП фаолиятини янада ривожлантириш йўлида ташаббус ва жонбозлик кўрсатаётган партия ташкилотларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида қуйи ташкилотлар ўртасида "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти", "Энг намунали туман (шаҳар) Кенгаши", "Энг намунали ҳудудий партия ташкилоти" номинациялари бўйича ҳар йили анъанавий тарзда кўрик-танлов ўтказилиб келинмоқда. Ушбу кўрик-танлов 2013 йилда ҳам юқори савияда ташкил этилди. Кўрик-танлов ноябрь-декабрь ойларида барча бошланғич партия ташкилотлари, туман (шаҳар) Кенгашлари ва ҳудудий партия ташкилотлари ўртасида ўтказилди. Кўрик-танловни баҳолашда Республика Танлов Комиссияси асосий эътиборни ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлардаги партиянинг асосий кўрсаткичларининг юқорилиги билан бирга Марказий Кенгаш томонидан берилаётган партиявий топшириқлар ижросини таъминлашдаги муносабати, ижро интизоми, зарурий адабиётлар билан таъминланганлиги ҳамда уларнинг ҳужжатларни юритишига қаратди.

Ҳудудий партия ташкилотлари ўртасида ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" номинацияси бўйича иккинчи ўринни қўлга киритган Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилоят филиалида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Дилшод Аллаевни суҳбатга тортдик.

— Бугунги кунда Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида 1 минг 130 га яқин тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда, - дейди қуйи бўғин етакчиси. — Шундан 630 нафари илмий марказ қошида ташкил қилинган бошланғич партия ташкилоти аъзосидир. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни сиёсий партиялар, хусусан, унинг қуйи бўғини зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Партия тизимида бошланғич партия ташкилотлари муҳим рол ўйнайди. Айниқса, жорий "Соғлом бола йили"да жамоамиз янада фаол бўлишга интилади.

— Ўтган 2013 йилда фаолиятимизда кадрлар захирасини шакллантириш, барча йўналишларда ходимларни танлаш ишлари самарали йўлга қўйилди, - дейди ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Азимжон Ёрқулов. — 2013 йил давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган миллий қадриятларимизни улуғлаш, буюк аждодларимизнинг бой тарихий меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, келажак эгаларини турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш сингари устувор мақсад-вазифалар ижроси юзасидан 1000 дан зиёд маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ўтказилди. Жумладан, "Аёл борки, олам мунаввар" шиори остидаги хотин-қизлар форуми ҳамда "Қалбимда улуғлай, сени Ватаним" мавзусидаги ёшлар форумини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони", "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" кўрик-танловларининг республика босқичида вилоятимиз жамоалари 3-ўринни қўлга киритганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши аъзолари сони 11 минг 843 нафар бўлиб, улар туман, шаҳар Кенгашлари қошидаги 444 бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Бошланғич партия ташкилотлари партиямиз фаолиятида асосий бўғин ҳисобланади. Партия ғояларини аҳоли орасида тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ташаббус ва таклифларни илгари суриш қуйи бўғин фаолиятининг бош мезони саналади. Партия ташкилотлари томонидан ўтказилиб келинаётган кўрик-танловнинг Республика босқичида "Энг намунали ҳудудий партия ташкилоти", "Энг намунали туман (шаҳар) Кенгаши", "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" номинациялари бўйича 1-ўринга сазовор бўлдик. Эътироф этиш лозимки, ҳозирда ЎзМТДП Қизилтепа туман Кенгаши қошида 47 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ўтган йилнинг "Энг яхши бошланғич партия ташкилоти" сифатида тан олинди. Ушбу қуйи бўғин дастлаб 15 нафар аъзо билан ўз фаолиятини бошлаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 510 нафардан ошди. ЎзМТДПнинг халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан ҳамкорликда ўтган давр мобайнида 100 га яқин тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Айниқса, ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлашга қаратилган тарғибот тадбирлари алоҳида ўрин тутмоқда. Жорий сайловлар йилида фаолиятимизни янада кучайтириш, хайрихоҳларимиз сафини кенгайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни миллий ҳунармандчилик ва оилавий касаначиликка жалб қилиш, бу йўлда мавжуд муаммоларни партия гуруҳлари йиғилишларида муҳокама қилиб, сессия кун тартибига олиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилдик.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш" Концепциясида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишда сиёсий партиялардан алоҳида масъулият ва ташаббускорлик талаб этилади. Шундай экан, жорий йилда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишидаги фаолиятида янги, таъсирчан усуллардан фойдаланиши лозим бўлади.

**Ҳ.НИЁЗОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши**
**Ижроия Қўмитаси девони**
**бош мутахассиси**

Ҳамкорлик



(ЎзА) олган сурат.

# Нафосат маликалари

**ЎзМТДП ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган спорт мусобақасида беллашдилар**

***Ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш порлоқ келажакни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Юртимизда жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бу эзгу мақсадга эришишда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс.***

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Мазкур жамғарма ташкил этилгандан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта тажриба тўпланди. Бугун юртимизда соғлом ва баркамол авлод вояга етаётгани, ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон ареналарида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётган кўплаб ёш спортчилар етишиб чиқаётгани спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Диёримизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий, барча шароитларга эга спорт мажмуалари ўғил-қизлар билан гавжум. Улар бу ерда ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир етук спортчи бўлиб вояга етишмоқда. Шунингдек, спортнинг нафис тури - бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Нафосат маликалари учун ҳаттоки чекка қишлоқларда ҳам шарт-шароитлар яратиш мақсадида бадиий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб янги спорт иншоотлари бунёд этилди. Сўнгги йилларда спортнинг мазкур тури билан шуғулланувчилар сони кескин ошгани бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

Уч йилдан буён ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда “Тасвирий ойина” ижодий уюшмалари ҳамкорликда ўсмир қизлар ўртасида “Нафосат олами” шиори остида “Соғлом авлод учун” кубоги учун Республика спорт фестивали мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Жорий йилда ўтказилган фестивалда 300 нафардан ортиқ ёшлар спортнинг сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, спорт рақси ва гимнастрада турлари бўйича куч синашдилар.

Спорт фестивалини “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова кириш сўзи билан очиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида болалар спортини ривожлантириш, хусусан, қизларни спортга жалб қилишга қаратилаётган доимий эътибор улғайиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани, бундай ишлар самарасида спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб, уларнинг саломатлик кўрсаткичлари яхшиланиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ҳанифа Зокирова сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Бугун кўплаб соҳалар қатори спорт ҳам юртимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланди. Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ёшларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилаётган совринлар миқдори сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Айниқса, қизларимизнинг жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида фаол иштироки ҳар биримизнинг қалбимизда фахр туйғусини уйғотади.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланишни кундалик вазифасига айлантиргани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Партиямиз сайловолди Платформасида мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур тадбир ҳам айни мақсадлар рўёбида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тадбирда иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда беллашдилар. Мусобақа якунида ғолибларга ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

***Гулсанам ЮЛДАШЕВА,***
***тадбир иштирокчиси:***

— Телевизор орқали сувда бир-биридан чиройли ва ўта нафис рақсга тушаётган қизларни томоша қилиб, ҳавас қилардим. Мана тўрт йилдирки, синхрон сузиш билан шуғулланаман. Спорт мени қатъий режага, ҳеч қачон ортга чекинмасликка, соғлом турмуш тарзига риоя қилишга, келажак сари олға қадам ташлашга ўргатди. Ҳозир мен ва спортсевар дугоналарим кўплаб мусобақаларда, шаҳар биринчиликларида иштирок этиб, фахрли ўринларга эга бўляпмиз. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спорти, жумладан, қизлар ўртасида спортни оммавийлаштириш ва янада ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор туфайли барча орзуларимиз амалга ошаётганидан беҳад шодмиз.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Қонун — амалда

# Демократик тамойиллар

**асосида маҳалла институтининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда**

***Истиқлол йилларида маҳалла институтининг мавқеи тобора ортиб, ваколатлари кенгайиб бораётгани фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси ва маслаҳатчилари зиммасига жиддий ва ўта масъулиятли талабларни қўймоқда. Бугун маҳалла тизимида фаолият юритаётган раис ёки маслаҳатчи нафақат олий маълумотли, балки катта ҳаётий тажрибага эга, ҳурматга сазовор, ҳудуддаги айрим муаммоларни маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда ечимини топиш учун жон куйдирадиган, ёшларнинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишида кўмаклаша оладиган, етакчилик қобилиятига эга, фидоий инсонлар бўлиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.***

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларининг ҳаётга татбиқ этилиши маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашга хизмат қилмоқда. 2013 йилнинг ноябр-декабр ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови янги таҳрирдаги қонунлар асосида ташкил этилгани унинг янада мукаммал ўтишига асос бўлди. Мазкур қонунга кўра, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия, Ишчи гуруҳ ваколатларининг янада ортгани сайловларнинг демократик тамойилларга уйғунлигини таъминлади.

Маҳалла раислари ва маслаҳатчилари сайловига Навоий вилоятида ҳам катта эътибор қаратилиб, бу муҳим жараён қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳлари янги таҳрирдаги қонунга асосан ўз ваколатлари доирасида сайловни намунали ўтказиш чора-тадбирларини кўрдилар. Улар иштирокида ҳар бир маҳалла, овул ва қишлоқларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, сайловни қонун доирасида юксак ташкилий-ҳуқуқий ҳамда демократик тарзда ўтказишда жойларда ташкил этилган ўқув-семинар ҳамда давра суҳбатлари муҳим аҳамият касб этди.

Жойлардаги ишчи гуруҳлар томонидан фуқаролар йиғини раиси (маслаҳатчилари) лавозимларига маҳаллаларда муқим истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда энг муносиб номзодлар кўрсатилди. Натижада Навоий вилоятида ҳозирги кунда мавжуд бўлган 279 та маҳалла, 42 та қишлоқ, 16 та овул, 3 та шаҳарча, жами 340 та фуқаролар йиғинида сайлов ўтказилиб, 340 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 3 минг 226 нафар маслаҳатчиси сайланди. Сайланган маҳалла раисларининг 34 нафари, яъни 10 фоизини аёллар, 113 нафари - 33,2 фоизини биринчи марта сайланганлар, 17 нафарини халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари ташкил этади. Уларнинг 201 нафари, яъни 59 фоизи олий маълумотга эга фуқаролар ҳисобланади. 3 минг 226 нафар маҳалла маслаҳатчиларидан 1049 нафари биринчи маротаба сайланди. 1510 нафари, яъни 46,8 фоизи олий маълумотга эга шахслардир. Сайланган маслаҳатчилардан 805 нафарини, яъни 25 фоизини аёллар, 45 нафарини эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари ташкил этди.

Вилоят кўмаклашувчи комиссиясининг ташаббуси билан 10 та туман ва шаҳарлардан танлаб олинган тегишли фуқаролар йиғинларида намунавий сайловлар ўтказилди. Жумладан, Навбаҳор туманидаги “Карвон” маҳалла фуқаролар йиғинида намунали сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур жараёнлар янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар асосида ташкил этилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Ушбу намунавий сайловларда туман ва шаҳарларга бириктирилган вилоят кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, туман комиссияси аъзолари, ишчи гуруҳи раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, жараённинг қонуний талаблар асосида ўтишини назорат қилишди.

Мухтасар айтганда, маҳалла ҳаёт мактабидир. Бу тизимнинг жамиятни ислоҳ қилишдаги ўрни ва имкониятини ошириш, ўз навбатида, аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини, халқимизнинг маънавий ва улкан интеллектуал салоҳиятидан юқори даражада фойдаланишни тақозо этади. Зеро, маҳалла азалдан миллий қадрият ва урф-одатларни қадрловчи, инсонларнинг ижтимоий ҳаётидаги кўплаб масалаларни ҳал қилиш маскани бўлиб келган. Айниқса, жорий “Соғлом бола йили”да оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларни спортга жалб этиш каби долзарб вазифалар маҳаллалар зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар ўз мазмун-моҳиятига кўра ЎзМТДП дастурий мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Қолаверса, маҳаллалар зиммасидаги вазифалар партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлашга кўмаклашиш сингари дастурий мақсадлар билан уйғунлиги партия гуруҳларимизни маҳаллалар билан ҳамкорликда фаолият олиб боришга ундайди.

- *Маҳалла — миллий қадрият ва урф-одатларни қадрловчи маскан*
- *Янги таҳрирдаги қонун маҳалла институтини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда*
- *340 та фуқаролар йиғинида сайлов ўтказилди*

**Анора БОБОМУРОДОВА,**
**халқ депутатлари**
**Навбаҳор туман Кенгашига**
**ЎзМТДПдан сайланган**
**депутат**

Мулоқот

# Бугунги кун талаби

**аниқ нуқтаи назарни аниқлаб, ўзига хосликка интилиш**

***Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарурлигини таъкидлади.***

Газетамиз мухбирининг Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори Аслиддин НИЗОМОВ билан суҳбати дастуриламал маърузадан келиб чиққан ҳолда партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифалар, миллий ғоя тарғиботи, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, жорий “Соғлом бола йили”да ёш авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб бораётган ишларга қаратилди.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий кучдир, - дейди суҳбатдошимиз. — Партия ўз сафига барқарор ва уйғун миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, маориф, маданият соҳалари ходимларини, ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорларни, жамиятнинг барча қатламларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажагига ишонадиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиради.

Бугунги кунда вилоятда ЎзМТДП аъзолари сафи ана шундай фазилатларга эга замондошларимиз ҳисобига кенгаймоқда. Агар 2012 йилда аъзоларимиз сони 7 минг 900 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган йилда улар сони 11 минг 137 нафарга етди. 364 та бошланғич партия ташкилоти атрофига бирлашган маслакдошларимиз буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, халқимизнинг миллий қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёшларни “оммавий маданият” ниқобидаги турли маънавий-ахлоқий тахдидлардан ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик руҳида, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ҳудудларнинг ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини янада яхшилаш борасидаги ислоҳотларда фаол иштирок этиб, ЎзМТДП дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Хусусан, ЎзМТДПнинг “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ вилоят филиалининг Бухоро шаҳар бўлими, Вобкент туман “Қипчоқ” ҚФЙ, Чангарон маҳалласи, Олот педагогика коллежи фаолларидан иборат бошланғич ташкилотларининг мазкур йўналишлардаги фаолияти диққатга сазовордир.

Партиямиз дастурий мақсадларини ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 7 нафар ҳамда шаҳар ва туманлар Кенгашларидаги 54 нафар депутат ташаббускорлик кўрсатишга интилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ўтган йили “Бухорода туризмни янада ривожлантириш истиқболлари” масаласини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритди. Кўҳна ва навқирон шаҳримизга жаҳоннинг барча қитъаларидан келаётган меҳмонларга қулай шарт-шароитлар яратиш, сервис хизматини яхшилаш, сайёҳлик индустриясини ривожлантириш эвазига янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинишига эришилди. Халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги партия гуруҳи эса туманда тарих музейини ташкил қилиш масаласини сессия кун тартибига киритиб, уни ижобий ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшди.

**— ЎзМТДП электорати ҳисобланган ҳунармандлар, оилавий тадбиркор ва касаначилар манфаатларига қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Партиямиз дастурий ҳужжатларида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни имтиёзли кредитлашга кўмаклашиш, электоратимиз бўлган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш асосий вазифалар сифатида белгиланган. Ана шундай вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, республика Марказий банки ва “Ҳунарманд” уюшмаси партиянинг вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзусида амалий семинар ўтказди. Ушбу анжуманда “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси атрофига бирлашган 496 нафар қадриятларимиз давомчилари ҳамда халқ амалий санъати соҳасида эндигина фаолият кўрсата бошлаган ёшларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга ошираётган лойиҳаларимиз самараси муҳокама қилинди, имтиёзли кредитлар ажратиш масалалари ҳал этилди.

Ўтган йилнинг апрелида 24 нафар ҳунарманд ва оилавий тадбиркорга 117 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш сертификати топширилган бўлса, ноябрь ойида Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, кейинчалик эса Бухоро, Ромитан ва Пешкў туманларидаги ҳунармандларнинг 38 нафарига 195 миллион сўмлик кредитлар ажратилди ҳамда 200 дан ошиқ янги иш ўринларини ташкил этиш имконияти яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бундай тадбирлар бошқа шаҳар ва туманларда ҳам ўтказилади.

**— Бугунги давр ҳар бир сиёсий партиянинг аниқ нуқтаи назари бўлишини ва фаолиятида ўзига хосликни талаб этмоқда...**

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партиялар фаолиятига бугунги кун мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирилди. Яқинда партиямиз вилоят Кенгашида давлатимиз раҳбарининг дастуриламал маърузасида илгари сурилган ғоя ва фикрлар асосида ЎзМТДП олдида турган устувор вазифаларга бағишланган амалий семинар ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, ҳудудлардаги партия ташкилотлари раҳбарлари, “Аёллар” ва “Ёшлар” қаноти етакчилари, фаоллар иштирок этган мазкур тадбирда партиямиз олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Семинарда партиямиз позициясини аниқ белгилаб олиб, фаолиятимизда ўзига хосликка интилиш, жойларда ташкил этаётган тадбирларимизда ЎзМТДП сайловолди Платформаси тарғиботи билан чекланиб қолмасдан, унинг бошқа партиялар дастурий мақсад ва вазифалари билан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Партиямизнинг бугунги давр талабларига жавоб берадиган янги Дастури ва сайловолди Платформаси лойиҳалари чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилиниб, ЎзМТДП аъзолари томонидан уларнинг ҳар бир бўлими ва бандига қатор таклифлар берилди.

— Партиямизнинг сайловолди Платформасида ёш авлодни миллий- маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш вазифаси белгиланган, - деди суҳбат асносида Аслиддин Низомов. — Шунингдек, бу ҳужжатда оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатлари, хусусан, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда репродуктив саломатлик масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш вазифалари кўзда тутилган. Партиямиз аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам бериш, Абу Али ибн Сино каби буюк бобокалонларимизнинг асарларида ўз ифодасини топган, Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган миллий давлат дастурлари рўёбга чиқарилишини фаоллаштириш вазифаларини ҳам ўз олдига қўйган. Мазкур дастурий мақсад ва вазифалар ижроси “Соғлом бола йили”да ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, барча бўғиндаги партия ташкилотлари, уларнинг аъзолари фаолиятида асосий ўрин тутиши шубҳасиз. Зеро, бугунги кун талаби, ЎзМТДПнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари шуни тақозо этмоқда.

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Маннон ОТАБОЙ**
**суҳбатлашди**

Боқий мерос

# Наврўз — миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз кўзгуси


(ЎзА) олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Наврўз асрлар оша аждодлардан авлодларга ўтиб, ривож топди, халқнинг ўзлиги, руҳияти, маънавий қувватини намоён этадиган бебаҳо маданий меросга айланди. Бу байрам халқимизнинг ўзига хос миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган. Кўкламнинг кириши билан ёшу қари бирдек Наврўз шукуҳидан шодланади. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Наврўз "бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунигача давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган". Бундан англашиладики, Наврўз бир кун - 21 мартдагина нишонланадиган байрам эмас, балки 40 кунгача давом этадиган умумхалқ шодиёнаси, баҳор ва меҳнат байрами саналган. Наврўз "қозон тўлди" маросимидан бошланиб, сумалак, "келин кўрди", ҳалим сайли, лола, бойчечак сайли, бир-бирларидан хабар олиш, ҳашар ва шох мойлаш каби ўнлаб анъаналар билан апрелнинг охири ва ҳатто майнинг ўрталаригача давом этган.

Мустақиллик шарофати билан Наврўз мутлақо ўзгача моҳият касб эта бошлади: унга ҳар йили умумхалқ ва миллий байрам сифатида катта тайёргарлик кўрилади. Ҳашар уюштирилиб, ҳовли-жойлар, кўча ва хиёбонлар супуриб-сидирилиб, тозаланади, ободонлаштирилади. Турли-туман кўчатлар ўтқазилади, ёшу қари бу ишларда ўз имконига қараб ҳиссаларини қўшишади. Байрамни катталар ҳам, болалар ҳам чексиз қувонч ва шодлик, кўтаринки кайфият, тантанаворлик билан нишонлашади. Умар Ҳайём "Наврўзнома" асарида ёзганидек: "Кимки Наврўз куни байрам қилса ва қувонса, янаги Наврўзгача ана шундай яйраб, фароғатда яшайди". Дарҳақиқат, бу ақидага асрлар давомида амал қилиниб, турлича удумлар яратилган ва улар халқ онгига сингиб кетган. Наврўз дастурхонига етти хил таом тортилиб, тўкинчилик орзу қилинган. Айниқса, азал-азалдан сумалак, ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомларимиз кўклам ва Наврўз таомлари сифатида, шунингдек, эзгу орзу ниятлар рўёбига ишора сифатида орзиқиб тайёрланган ҳамда дастурхонларимизни тўлдирган.

Наврўз — халқимизнинг минг йилликлар билан бўйлашган миллий маънавий қадрияти. Уни эъзозлаш халқни эъзозлашдай қутлуғ иш. Боиси, Наврўз баҳонасида халқимизга хос бўлган қатор миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз инсонлар ҳаётида ўз аксини топади. Биргина сумалак сайлини олиб қарайдиган бўлсак, бу Наврўз таомини тайёрлаш баҳонасида кўплаб қадимий урф-одатларимиз, миллий ўйин ва томошаларимиз намоён бўлади. Энг аввало, дошқозон бошида турган момоларимиз эзгу ниятлар ила дуо қилишади, элу юртга, оилаларга файзу барокат, тинчлик-хотиржамлик, бободеҳқонлар хирмонига барака, бефарзандларга фарзанд тилайдилар. Сумалак пишгунича фақат эзгу орзу-ниятлар айтилади, яхши гаплар бўлиб, халқ лапарлари, куй-қўшиқлар куйланади. Дошқозон ичидаги ҳар бир тош ўзида минг-минг орзу ниятларни жамлаб сумалакни етилтиради. Қаҳратон қишдан кўкламга етган ҳар бир инсон сумалакни илоҳий таом деб билиб, унга етгани учун шукрона айтган.

**Сумалакжон, сумалак,**
**Яхшиликнинг белгиси.**
**Наврўзимга эш бўлган,**
**Сен баҳорнинг элчиси.**
**Сумалакжон, сумалак,**
**Сенга етдим жон ҳалак.**

Кўклам, Наврўз келиши билан жажжи болакайлар қалбларига ўзлари каби пок ва беғубор орзуларни тугиб, осмонга варраклар учиришади. Бир ёқда эса навниҳол қизлар ялла қўшиқлар куйлаганча ҳалинчак учишади. Хотин-қизлар ўртасида Наврўз кунлари ҳалинчак арғимчоқ учиш анъанаси кенг тарқалган. Бинобарин, қизлар Наврўзда арғимчоқ учсалар, йил бўйи гуноҳлардан фориғ бўлишга ишонганлар. Арғимчоқни ҳаволатиб-ҳаволатиб, дарахтнинг баланд шохида эндигина кўкара бошлаган япроқни узиб олишни савоб деб билганлар, бундай япроқни Янги йилдаги орзуларга етишиш рамзи сифатида асраб қўйганлар.

Наврўзи олам шодиёналари билан ҳамоҳанг тарзда ўтадиган анъаналаримиздан бири миллий халқ ўйинларидир. Хусусан, кураш, кўпкари, арқон тортиш, хўроз уриштириш, болалар ўртасидаги «Оқ теракми кўк терак», «Оқ суяк», «Чиллак» каби ўйинлар кўклам фасли, Наврўз кунларида янада кўтаринкилик, хушчақчақлик ва халқона руҳда ўтиши билан ҳам аҳамиятлидир. Бу ўйинлар ўзига хослиги, миллийлиги ва халқоналиги, ҳаммани бирлаштириши билан ажралиб туради. Қадимда кўклам маросимининг таркибий қисми бўлган бундай халқ ўйинлари кўҳна тарих-ла чамбарчас ҳолда асрлар оша яшаб келаётгани халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканидан далолат беради. Қолаверса, халқ маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи кураш, кўпкари, арқон тортиш каби халқ ўйинларининг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, мустақиллик йилларида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда миллий халқ ўйинларидан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Наврўз билан боғлиқ бўлган урф-одатларимиздан яна бири мучал ёшини нишонлаш маросимидир. 12 ёшга тўлган ўсмир йигит-қизларни қутлаш маросими сифатида мучалга ҳам азалдан алоҳида эътибор қаратишган. Мучал ёшидаги болаларга бош-оёқ сарпо қилиниб, эзгу тилаклар билдирилган, зиёфат дастурхони тузаб, хурсандчилик қилинган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мучалга ҳам эскилик сарқити сифатида қараш анча йиллар давом этди. Истиқлол шарофати билан бу анъана янада мукаммал тарзда бўй кўрсатиб, аждодларимизнинг ўсмирликни алқаш қадрияти қайта тикланди.

Кўклам айёми билан боғлиқ бу каби азалий қадрият, анъана ва урф-одатларимиздан бохабар бўлар эканмиз, Наврўз халқимизнинг минг йиллардан буён авайлаб-асраб келаётган муқаддас байрами эканига, шунчаки бир байрам эмас, халқимиз тарихи, маданияти, тушунча ва тасаввурларини ўзида тўлалигича мужассам этган ҳаёт китоби, улкан қомус эканига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Ўрни келганда айтиш жоизки, Наврўз ва унга ҳамоҳанг тарздаги миллийлик сарчашмалари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий ғоялари, дастурий мақсад-вазифаларига мосдир. Зеро, ЎзМТДПнинг Дастури ва сайловолди Платформасида халқимизга хос бўлган миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш ва бойитиш, айниқса, ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашишни асосий мақсади сифатида белгилаган.

Наврўз ҳар йили катта тантана билан нишонланар экан, ҳаётимизга янгича назар соламиз, янги режалар тузиб, бошланажак йилда улкан орзу-мақсадларимизнинг рўёбини тилаймиз. Атрофдаги инсонлар, қон-қариндош ва узоқ-яқиндаги биродарларимиз билан меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат каби ришталарни янада мустаҳкамлаб, қалбларимизни поклаймиз. Шу маънода Наврўз "янги кун"гина эмас, балки яшариш ва янгиланиш айёми ҳамдир. Шунга кўра, Наврўз боқий байрам бўлиб, унинг халқ ижтимоий ҳаётидаги ўрни, аҳамияти беқиёс. Турли даврлардаги тўсиқ, чеклашу тазйиқлар, тақиқларга қарамай, Наврўз ўзининг бор бўй-басти билан қайта тикланди. Азалдан кишиларга шодлик-бахт, ризқ-насиба, омад, келажакка умид-ишонч бахш этиб келган, эзгуликларга йўл очган Наврўз айёми барчамизга қутлуғ бўлсин!

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Баҳор соғинчи

# Самовотдан ёғар яшил пайғом бугун...

*Халқимизнинг ажиб, гўзал ва бетакрор урф-одатлари, ўлмас қадриятлари бор-да. Ёрдам йўлида ҳашарни, яхшилик йўлида панду ўгитни ёқтиради. Уйига остона ҳатлаб кирган меҳмонга "бир пиёла чой узатиш"дан ҳузурланади. Ҳамиша меҳмони учун дастурхонга қўйгулик бирор нима асраб юришдан эринмайди.*

Энг улуғ қадриятларидан яна бири — Наврўзда эса халқимизнинг жамики феълу фазилати жамлангандек. Бу айёмни ҳамма бирдек соғинч билан кутиб олади.

Юртимизда Наврўз тараддуди бошланганига анча бўлди. Байрам олди ҳашарларида тозаланмаган ариғу зовур қолмади ҳисоб. Деворлар оқланди, кўчалар супуриб сидирилди. Мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазиш бошланиб кетди. Биргина Избоскан ва Андижон туманида бир кунда 600 нафардан зиёд юртдошларимиз Наврўз ҳашарида иштирок этди. Шу куни болакайларнинг варрак учириши-ю, қизалоқлар сочига толбаргак тақиб яйраши, неча ўнлаб халқ ўйинлари мусобақаларининг ўтказилиши, ҳамманинг орасталик, ободончиликка талпинишини кўриб баҳор соғинчини туйдик.

ЎзМТДП аъзоси, таниқли журналист Мукаррама Баҳриддинова муаллифлигида уюштирилган "Ташрифинг муборак, юртимга Наврўз" деб номланган тадбир йиғилганларга ҳақиқий маънода баҳорий кайфият улашди, десак муболаға бўлмайди. Унда шифокору муаллимлар, олимлару шоирлар, элнинг пурҳикмат бобо ва бувилари, маҳалла маслаҳатчилари... хуллас, Наврўзни соғинган 600 нафарга яқин инсон иштирок этди. Дилрабо куй-қўшиқлар жозибали рақсларга уланди. Табиийки, тадбир қизиқчи, латифагўй ва аскиячиларсиз ўтмади.

Бобур номидаги Андижон вилоят кутубхонасида бўлиб ўтган Наврўз олди учрашувларига эса Андижон давлат университети олимлари, таниқли шоиру ёзувчилар таклиф қилинди. Миллий қадриятларимиз тарғиботига бағишланган тадбир йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса, Олтинкўл тумани 1-ўрта мактаб ўқувчиси Муслима Мирзаеванинг чиқиши кўпчиликка манзур бўлди. Муслима ижросидаги иккита янги қўшиқ вилоятнинг Наврўз тантаналарида ижро этиш учун танлаб олинди.

Қизу йигитларнинг Наврўз ҳақидаги шеърлари, қўшиқларини тинглаганингизда урфу одатларингдан, феълу фазилатингдан, миллий байрамингдан, неча минг йиллик Наврўзингдан ўргилай халқим, дегинг келади.

*Дил соғинчи яшил нафас ерлардадир,*
*Сайилгоҳлар кўклам ўпган қирлардадир.*
*Варраклари баланд учган болакайим,*
*Шўхликлари оҳангларда, шеърлардадир.*
*Самовотдан ёғар яшил пайғом бугун,*
*Наврўз бугун, энг муборак айём бугун.*

*Орзу бордир куртакларнинг кўзларида,*
*Ором бордир шаббоданинг изларида.*
*Муҳаббат бор, садоқат бор, саодат бор,*
*Гул диёрнинг гул чеҳрали қизларида.*
*Самовотдан ёғар яшил пайғом бугун,*
*Наврўз бугун, энг муборак айём бугун.*

*Чучмомалар ўқийди дил дафтарингни,*
*Капалаклар олиб учар айтарингни.*
*Сирдошингдай шивирлаган ёмғирни суй,*
*Ювиб берар дилингдаги дардларингни.*
*Самовотдан ёғар яшил пайғом бугун,*
*Наврўз бугун, энг муборак айём бугун.*

*Чанқовузлар кенгликларга куй беради,*
*Бодомзорлар чайқалиб хуш бўй беради.*
*Оламларни ошиқ этган Ўзбекистон,*
*Дўсту ёрга тўйхат ёзиб тўй беради.*
*Самовотдан ёғар яшил пайғом бугун,*
*Наврўз бугун, энг муборак айём бугун.*

**Замира РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Миллий ўйинларимиз

# Улоқ-кўпкари

**йигитларни мардлик, эпчиллик ва ҳалоллик руҳида тарбиялайди**



***Тўда-тўда отларнинг пишқириши, қамчининг ҳавода айланиши, "ҳа, ҳалолла азамат" деб ҳакамларнинг бақириши, чор-атрофдаги сон-саноқсиз томошабинларнинг олазарак кўзлари билан ғолиб чавандозни қидириши чавандозларга руҳ, майдонга кўтаринкилик, вужудларга ҳис-ҳаяжон, жўшқинлик ва ажиб тароват бағишлайди. Қамчини этик қўнжига тиқиб олган, юган учини эгар бошига илиб улоққа узалган чавандозни ҳеч ким шаҳдидан қайтара олмайди.***

Чунки танти, жўмард баҳодирлар ўз ориятини элнинг ғururига бағишлайдилар. Отлари ҳам ўзларига яраша малакага эга, ўта чопқир, бақувват, майдонга кирганда тўдани ёриб ўтадиган, эгасига қулоқ соладиган, унинг тилини тушунадиган, ҳийлаларини тезда англашга қодир. Шунинг учун ҳам, улоқда чавандоз ва от бир-бирига монанд равишда бир мақсад сари ҳаракат қилиб, халқ олқишига сазовор бўлади. Кўпкари ўйинлари юртимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида кенг тарқалган.

Кўпкари — бу чавандозлар баҳси. Ота-боболаримиз гўдаклигидан болалик фаслига кирган фарзандларининг қўлини ҳалоллаш, бўйи етган қизларини узатиш, ўғилларини уйлантириш тўйларида халққа ош бериб, сўнгида кўпкари баҳси томошаларини кўрсатишган. Кўпкари чопиш — чавандозларнинг от устида оммавий мусобақа шартларини бажариб, ғолиб чиқиш учун олиб бориладиган кураш-жангидир.

Кўпкари айрим жойларда улоқ ҳам дейилади. Кўпкари баҳсида сўйилган улоқ танаси мусобақа ҳакамлари томонидан ўртага ташланиб, кураш шартлари ана шу улоқ билан боғлиқ ҳолда бажарилади. Кўпкари асосан якка баҳс. Мусобақа шарти ўртага ташланган улоқ танасини тақимга қисиб майдонни гир айлантирганча, белгиланган манзилга, кайвони ҳакамлар ёнига биринчи бўлиб келтириб ташлашдир. Бироқ кўпкарида чавандозлар ўртага қўйилган соврин-қимматбаҳо буюм (гилам, қўй, мол, тўн, туя, соат, маълум миқдордаги пул) ларни қўлга киритиш учун жамоа бўлиб ҳаракат қилишлари ҳам мумкин. Ўртага ташланган улоқни олишга абжир, бақувват, учқур отли чавандоз йигитни унинг дўстлари, яъни бошқа чавандозлар қуршаб, ҳақиқий рақиблардан то ҳакамлар олдигача ҳимоя қилиб борадилар. Бу гуруҳ тенгдош дўстлар, қишлоқдошлар, қурдошлар бўлиши мумкин. Кўпкарида от эгаси пойгага тушиши ёки тушмаслиги ҳам мумкин. Чавандозлар кексайганларида, улоққа ўзлари турли сабабларга кўра туша олмасликлари туфайли кўпкари шартларига тайёрланган "ақлли", "тажрибали" отларни ёш чавандозларга чопиш учун берадилар. Бу ўринда ҳам ғолиб чиққан чавандоз билан от эгаси мукофотни бўлиб олади.

***Фурқат САМАДОВ:***

—Ҳар бир чавандознинг махсус тайёрланган кийимлари: бошни қамчи ёки бошқа хавфли тасодифий зарбалардан сақлайдиган телпаги, устида пўстини, шими, оёғида этиги, қўлида қамчиси бўлади. Тўйларнинг охирги куни халққа ош берилгандан сўнг чавандозлар кўпкари ўтказиладиган майдон томон йўл оладилар. Томошабинлар ҳаммадан олдин бу ерга етиб келиб, ўзларига қулай тепаликлардан жой олишади ва майдондаги ўз чавандозларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар. Кўпкари ўтказиладиган майдонга ҳамма йиғилгач, отларни қиздириб олиш учун "қоқма" ўйини ўтказилади. Асосан ёш чавандозлар иштирок этадиган бу кўҳна удумда қатнашчилар сонига қараб майдонга навбати билан иккита ёки учта улоқ ташланади. Ёшлар уни тўдадан ажратиб олиб чиқиш учун ўзларининг нимага қодир эканликларини синаб кўрадилар. Ушбу вазифани уддалай олганларга улоқ соврин сифатида берилади. Бундай мусобақалар ёшларнинг келажакда мард, эпчил бўлиб вояга етишларида, айниқса, ўспирин чавандозлар учун кўпкари сирларини ўрганишда тажриба мактаби вазифасини ўтайди. "Қоқма" ниҳоясига етгач, отлар совутилади ва сўнгра ҳақиқий кўпкари бошланади. Унда ҳар қандай чавандоз ҳам қатнаша олмайди. Чунки, кўпкарининг ўзига яраша ёзилмаган, ҳамма учун баробар бўлмаган қонунлари бор.

— Мен ҳам бир неча йиллардан буён от чоптириб келаман, - дейди Қашқадарёлик Суюн полвон. — От бор хонадонда барака бўлади. От жуда ақлли жонзот. Эгаси ва чавандозига ҳамиша вафодор бўлади. Бир неча йил илгари "бўз" лақабли от боққанман. Унда Бўри исмли чавандоз улоқ чопарди. Вақт ўтиб чавандозимиз вафот этди. Шунда отнинг кўзларидан ёш оққанига шахсан ўзим гувоҳ бўлганман. Чавандоз вафотидан сўнг "бўз" ҳам улоқ чопмай қўйди ва оқсоқланиб қолди. 40 ёшимгача ўзим ҳам вақти-вақти билан улоқ чопганман. Бу ўйиннинг гашти ўзгача, айниқса, улоқни тўдадан айириб, совринни ҳалоллаб олиш инсонга ўзгача руҳ бағишлайди.

***Очил бобо Ийботов:***

—Кўпкари юртимизда кўпинча Наврўз айёми, халқ сайллари, байрамлар ва тўйлар муносабати билан тантананинг охирги куни уюштирилади. Чавандозлар кўпкари ўтказиладиган қишлоқ томон бир неча кун аввал йўлга тушадилар. Меҳмон чавандозлар қўним топган хонадонларда туннинг ярмигача кўпкари ҳақидаги ажойиб-ғаройиб афсоналар, латифалар, ҳазил-мутойибалар авжига чиқади, мусобақада ишлатиладиган қоидалар ва янги атамалар ҳақида қизғин баҳслар бўлади. Оламдан ўтган марҳум устоз чавандозлар ёдга олинади, кучли ва тажрибали чавандозларнинг тантилиги, жўмардлиги мақталади, яхши отларнинг хислатларига тасаннолар айтилади. Маҳаллий бахшилар ижросида достонлардан парча ва термалар тингланади. Бу каби суҳбатлар майдонда ҳар доим камтарин, вазмин ва асосийси, ҳалол бўлишга ундайди. Шу куни отларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Мўлжалдан ортиқ сув ёки ем берилмайди, ёмон кўзлардан асралади. Ҳеч қачон қамчи билан отнинг бошига урилмайди. Кўпкари аждодларимизнинг қадимий ва оммавий томошаларидан бири. Мусобақа майдонида бедовларнинг қаҳр билан кишнаши, чавандозларнинг важоҳати, томошабинларнинг юрак ҳовучлаб ўйинни кузатиши, қарияларнинг эсонлик-омонлик тилаб фотиҳага қўл кўтариши, баковулларнинг овозаси, билимдонлиги, воқеалар ривожини ўз вақтида кўра олиши — ҳамма-ҳаммаси кўпкарини чинакамига санъат даражасига кўтаради, қизиқарли майдон томошасига айланишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Президентимизнинг алоҳида эътибори ва раҳнамолиги туфайли бошқа миллий анъаналаримиз қатори улоқ-кўпкари ўйинлари ҳам қайта тикланиб, тобора оммалашиб бормоқда. Ота-боболаримизнинг марду-майдонлик, жасорат, эпчиллик каби хислатларини ўзида ифода этувчи қадимий ва ҳамиша навқирон кўпкари мусобақалари ёшларимизда жасурлик, ботирлик, уддабуронлик, чаққонлик ва ҳалоллик, ақл идрок фазилатларини камол топтиришда "ҳаёт мактаби" вазифасини ўтайди. Зеро, кўпкари чинакам ориятли, ғурури баланд, шижоатли ўзбек йигитларининг мардоналик тимсолидир.

**Ҳамдам НИЁЗОВ**

Бандлик

# Коллеж битирувчилари

## иш билан таъминланади

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида Президентимиз касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди. Самарқанд вилоятида мазкур йўналиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.***

Жорий йил вилоятдаги 156 та касб-ҳунар коллежини 57 минг 911 нафар йигит-қиз тамомлайди. Бу борада Ургут Тадбиркорлик ҳамда Савдо ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари битирувчиларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, олий таълимга йўналтириш бўйича изчил амалий ишларни олиб бормоқда. Туман ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш марказ ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежларида меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, ташкилот ва корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузилди.

— Битирувчиларни иш билан таъминлаш, уларда меҳнат кўникмалари ва тадбиркорлик ташаббусларини шакллантириш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз, - дейди Ургут тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи директори Тўхтамурод Қодиров. — Коллеж қошида "Ургут умидли ёшлар" шўъба корхонаси ташкил этилган. Унда шу коллежни битирган ўн нафар қиз меҳнат қилмоқда. Бу ерга саноат корхоналарида ишлатиладиган тикув машиналарини ўрнатдик. Ишлаб чиқарилаётган турли хилдаги трикотаж буюмларига эса кун сайин талаб ортиб бораяпти. Шу сабаб, ўтган йилнинг сентябрь ойида банкдан 22 миллион сўм кредит олинди. Ҳозирги пайтда олинган кредитнинг 6 миллион сўми қайтарилди. Яқинда ушбу шўъба корхона қошида автомобилларни таъмирлаш устахонаси қуриб битказилди. Бу ерда ҳам 4 нафар ёш иш билан таъминланди. Ўтган йилги битирувчиларнинг 32 нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида банклардан имтиёзли кредитлар олиб, ҳозирда ўз фаолиятларини йўлга қўйиб олишган. Ана шундай қулайлик туфайли Файзулла Жабборов, Замира Мухторова 2 миллион 300 минг сўмдан имтиёзли кредитлар олиб, наслли қорамоллар парваришлашди. Ўқувчилар учун яна бир қулайлик: уларга шу ернинг ўзида ҳайдовчилик гувоҳномаси бериш учун рухсатнома олинди. Ҳозирда улар коллеж томонидан ажратилган "Тико" автомашинасида ҳайдовчилик сир-асрорларини эгаллашмоқда.

Ургут Савдо ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида таълим сифатини тубдан ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришга доимо катта эътибор берилади. Коллежда олти йўналиш бўйича таҳсил олаётган 491 нафар ўқувчига 34 нафар олий маълумотли педагог кадрлар таълим-тарбия бериб келмоқда. Коллеж 1895 метр баландликка чўзилган Қўрғонтоғ этакларида жойлашган. Ўқитувчилар ушбу тоғ этакларида минг туп ток, икки минг дона мевали дарахт ҳамда икки минг дона терак экиб, парвариш қилишаяпти.

— Бизда ҳар бир ўқитувчи оила аъзолари сонига қараб кўчат парваришлайди, - дейди коллеж директори Исомиддин Каримов. — Улар бу хайрли ишлари билан она табиатимизни бойитишдек муқаддас ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Коллежда "Ёш қутқарувчи" ҳамда "Ёш чегарачилар" клублари ташкил этилган бўлиб, самарали фаолият олиб бораяпти. Ушбу клубларга юз нафардан зиёд ўқувчи жалб этилган. Фаолият олиб бораётган ҳар икки клуб йўриқномасида — ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган давлат Дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш, миллий урф-одатларни қадрлаш, мардлик, қатъиятлилик, куч-ғайрат, интизом туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш асосий мақсад этиб белгиланган. Ушбу таълим масканида ҳам "Терсак заррин камалак" шўъба корхонаси ташкил этилиб, иш олиб бораяпти. Бу ерда 20 нафар чевар қиз тикувчилик билан шуғулланишмоқда. Улар учун 16 та тикув машинаси келтирилган. Ўтган йили коллежни битирган Маҳлиё Эшимова ҳам шўъба корхонага ишга қабул қилиниб, фаолият олиб бораяпти. — Қизим шу коллежда ўқиб, тикувчилик сирларини пухта ўрганди. Ҳозир қўли гул чевар бўлиб етишди. Даромадидан кўнгли тўқ. Қиз боланинг бахти, унинг ҳунарида экан, - дейди Маҳлиёнинг отаси Қўшназар Турсунқулов мамнуният билан. Коллеж директорининг айтишича, жорий йил коллежни 158 нафар йигит-қиз битиради. Уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш мақсадида 50 та корхона-ташкилот, коллеж ва унинг битирувчилари ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланган.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**









MILLIY TIKLANISH
11-12 (281) 2014 йил
19 март, чоршанба



Бизнинг шарҳ

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ ҲАМОҲАНГЛИГИ

**Индонезиядаги энг йирик сиёсий кучлардан бири Миллий партиянинг асосий шиорига айланган**



***18 мингта оролга эга Индонезияда 31 та вилоят ва 2 та махсус округ бўлиб, 2009 йилда ўтказилган парламент сайловида 240 миллион аҳолидан 171 миллион нафари иштирок этган. Бу, ўз навбатида, мамлакатда сайловчиларнинг сиёсий тадбирларга бефарқ эмаслиги, ҳар бир сайловлар мамлакат ҳаёти ва келажаги учун муҳим аҳамият касб этишини билдиради.***

Ҳозир мамлакатда қарийб 200 та сиёсий партия рўйхатга олинган бўлиб, "Сайловлар тўғрисида"ги қонунга кўра, сайловолди кампаниясида давлат маблағидан фойдаланиш таъқиқланган. Ҳозир мамлакат парламентида 6 та партия ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш олиб бормоқда.

Ороллар мамлакатида сўнгги маротаба ўтказилган сиёсий тадбирда Демократик партия энг кўп — 148 та овоз тўплашга эришган. 1965 йил 30 сентябрда ташкил этилган мазкур партия мамлакатда "Сиёсий қонунлар" номи остида конституцияга тузатиш ва ўзгартириш киритиш, кўппартиявийлик тизимини шакллантириш, тўғридан-тўғри президентлик сайловини ўтказиш, қонун чиқарувчи олий ҳокимият ролини оширишни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Индонезиядаги энг йирик сиёсий кучлардан яна бири Миллий партия ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, Индонезияни Голландия мустамлакачилигидан халос этишда мазкур партиянинг салмоқли улуши бор. Зеро, ўтган асрда мамлакатни голландлар ҳукмронлигидан қутқариш мақсадида Миллий партия ўзига хос ғоялар, тарғибот ишларини олиб борди. Ўшанда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ўз тили, дини, эътиқоди эркин бўлиши учун фақат ва фақат мустақилликка эришиш лозимлиги англаб етилганди. 1945 йилнинг 15 августида Индонезия истиқлолга эришгач, партия фаолияти қайта тикланди.

Ўтган қарийб 20 йил давомида сиёсий майдонда анча тобланган партия ўзига хос ғоя ва мақсадларни ярата олди. Энг аввало, партия мамлакатда узоқ йиллар давомида сақланиб келинаётган урф-одат ва анъаналарга содиқ қолиш, оилавий қадриятларни ҳимоялаш, барча қарорларни халқ иродасига мувофиқ равишда қабул қилиш мажбуриятини олган. Бошқача айтганда, партия қадриятлар ва замонавий тараққиёт уйғунлигининг тарафдоридир.

Индонезия халқ партияси демократия тамойилларига таяниб, мамлакат суверенитети, бир бутунлиги, миллий манфаатлари ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Шунингдек, тарихий обидаларни асраб-авайлашга ҳам партия томонидан алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, қарийб 18 мингта майда ороллардан ташкил топган мамлакатда ўнлаб, ҳатто юзлаб ёдгорликлар мавжуд. Меъморий ёдгорликлар шу қадар кўпки, баъзи оролларда 20 мингга яқин эҳром бор. Партия вакилларининг фикрича, ороллар ўзига хослиги мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришга кенг имконият яратади. Айни пайтда Индонезия халқ партияси ҳукумат томонидан иқтисодиётда муҳим ўрин тутган хорижий сармояларни кенг жалб этиш сиёсатида фаол иштирок этмоқда.

2009 йилги президентлик сайлови арафасида ўз номзодини кўрсатиш мақсадида янги-Буюк Индонезия ҳаракати партияси — Гериндра пайдо бўлди. Гериндрачилар ўз дастурий ҳужжатида халқ фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолатни ўрнатиш ва сиёсий барқарорликни таъминлаш каби ғояларни илгари сурди. 12 миллион нафардан ортиқ аъзоси бўлган мазкур партия солиқ ва суд-ҳуқуқ тизимидаги жиноятчилик ҳолатлари бўйича парламент комиссияси тузилган тақдирда ҳукумат таркибига қўшилишлари мумкинлиги ҳақида шарт-талабларини қўйган.

Индонезияда ўзига хос сиёсий ҳаракатлардан яна бири бу — "Голкар" партияси бўлиб, сўнгги парламент сайловида 14,5 фоиз овоз тўплаб, улар сафидан 107 нафар депутат сайланди. Бирлашган хизмат гуруҳи — "Голкар" расман сиёсий партия сифатида талқин этилмаса-да, у парламентда юқори нуфузга эга. "Голкар"га 1965 йил октябрда ҳарбийлар томонидан асос солинган бўлиб, ўз олдига Индонезия инқилобини якунига етказиш, 1945 йилдаги конституция тамойиллари асосида адолатли ва ривожланган жамиятни қуришни мақсад қилган эди. Ҳозир Голкар сафига 200 дан ортиқ ташкилот жипслашган. Уларнинг ҳарбий бошқарув аппарати, кооператив уюшмалари, бошқарув ташкилотларига таъсири кучли. Давлат хизматчиларидан тортиб, халқ таълими ходимларигача "голкар"чиларга аъзо саналади. Кузатувчиларнинг фикрича, партиянинг дастурий мақсадлари ва ҳаракатларидан уни кўпчилик ҳарбийлар партияси сифатида баҳолайди. Дарвоқе, ҳарбий хизматчилар истеъфога чиқмагунича сайловда овоз беришлари ман этилган.

Мамлакатда 1999 йили янги "Демократик кураш" партияси тузилди. Демократик кураш партияси ўз дастурида эркин, ҳеч кимга тобе бўлмаган, уюшган демократик, адолатли, ривожланган жамиятни қуриш ғоясини илгари сурмоқда. Улар мамлакатдаги табиий ресурсларни ўзлаштиришда хорижлик инвесторлар билан тузиладиган шартномаларни қатъий назорат остига олиш масаласини ўртага қўймоқда. Партия вакилларининг фикрича, ҳукумат ҳукмрон коалиция мавқеини мустаҳкамлаш ўрнига асосий эътиборни жамиятдаги ечимини кутаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратмоғи лозим, деб ҳисоблайди.

Индонезия конституция ва қонунларида парламент ибораси қўлланилмайди. Икки палатали миллий маслаҳат кенгаши қошидаги халқ вакиллари кенгаши қонунлар лойиҳалари устида иш олиб боради. Конституцияга мувофиқ, халқ вакиллари кенгаши тарқатиб юборилиши таъқиқланган. Сайловга қадар Индонезияда 6 ой яшаган, Индонезия тилида ўқиш-ёзишни биладиган, 21 ёшга тўлган шахс овоз бериш ҳуқуқига эга. Сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган, 25 ёшни қаршилаган фуқарога сайланиш ҳуқуқи берилган.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

Рангин дунё

# Варраклар музейи

***Не-не саркардалар, олиму ихтирочиларнинг яқин ёрдамчиси бўлган варраклар инсон меҳнати, ақлу заковати маҳсулидир. Варрак учириш каттаю кичикка бирдек ёқиши сир эмас. Айниқса, баҳор кириб келиши билан дунёнинг турли бурчакларида варраклар фестивали ўтказилади. Ўзига хос маросим, асосан, соҳил бўйлари, тепалик ёхуд футбол майдончасига ўхшаш жойларда ўтказилса-да, уларнинг ҳар бири томошабинга завқу шавқ бағишлайди. Варраклар ким томонидан ясалмасин ўз тарихи, анъана ва хусусиятларига эга. Масалан, кашшоф японлар учун варрак учириш шунчаки эрмак эмас. Кунчиқар мамлакат пойтахти Токиода варраклар учун музей очилган бўлиб, унда 4 мингдан зиёд варраклар коллекцияси сақланади.***



Японлар варракни "ика" ёхуд "тако" ("саккизоёқ") деб аташади. Чунки улар кўринишдан ҳақиқатдан-да саккизоёққа ўхшайди. Варраклар — япон халқига хос миллий анъаналардан биридир. Аслида варрак Японияга Хитойдан кириб келган. Бироқ, японларнинг саъй-ҳаракати туфайли варраклар ҳозирги мукаммал даражага етди. Уларнинг ҳар бирида япон маданиятига хос унсурлар учрайди. Қолаверса, бундай варраклар ўзининг ранг-баранглиги, маънодор расмлари ва ўта мустаҳкам конструкцияси билан ажралиб туради.

1977 йилнинг ноябрь ойида Токио шаҳрида варраклар музейи очилди. Айнан шу музей баҳона япон варраклари тарихини ўрганиш, улар ҳақида қизиқарли маълумотлар тўплаш имкони туғилди. Ушбу антиқа музейга варраклар ишқибози, маҳаллий ишбилармон Шинго Модежи асос солган. Айни чоғда музей унга тегишли ресторан биносининг бешинчи қаватидан жой эгаллаган. Шунга қарамай, экспозициялар учун ажратилган жой йилдан-йилга торлик қилмоқда. Буни шифтга осиб қўйилган варраклардан ҳам билса бўлади.

Музей экспозицияларида хилма-хил япон варраклари намойиш этилган. Улар ҳажми, маълум бир ҳудудга хослиги билан бир-биридан фарқ қилади. Бундай варраклар орасида энг қадимийлари, шунингдек, ҳозирги замон рассомлари томонидан ясалганлари ҳам бор. Бундан ташқари, Хитой ва Осиё мамлакатларидан келтирилган ноёб варраклар музей тўридан муқим жой олган. Кўргазмага қўйилган экспонатлар тадрижийлик асосида жойлаштирилган бўлиб, варракларнинг юз йил давомида мукаммал даражага етгани кўрсатиб берилган. Қолаверса, музей экспонатлари орасида улкан ва митти кўринишдаги варраклар томошабин эътиборини тортмаслиги мумкин эмас.

Қадимда япон халқи варраклардан диний маросимлар чоғидагина фойдаланган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, улар варракларга битилган рамзлар орқали худога нома ёзишган. Ушбу номаларда, асосан, яқинларнинг соғ-саломат бўлиши, мўл ҳосил, балою офатлардан асраши сўралган. Ўрта асрлардан бошлаб варрак учириш бадавлат инсонлар эрмагига айланди. Вақт ўтгани сайин варраклар оддий халққа хуш ёқиб, кенг миқёсда оммалаша бошлайди. Ўшандан буён миллий байрам ва маросимларда варрак учириш анъана тусини олди.

Японияда варрак фестиваллари деярли ҳар йили ўтказиб турилади. Ана шундай фестивиллардан бири Хамамацудир. Май ойи бошида бошланувчи варраклар фестивали 450 йилдан бери нишонлаб келинади. Унинг тарихи XVI асрга тааллуқли воқеа билан чамбарчас боғлиқ. Ўшанда Хамамацу қасри соҳиби ўғлининг туғилган кунига атаб варрак совға қилади. Шу воқеа сабаб шаҳар аҳли ҳар йили май ойида варрак учириб, ушбу анъанани давом эттирмоқда. Табиийки, бундай пайтда одамлар дилига туккан эзгу ниятларни изҳор қилади.

Анъанавий япон варракларини ясашда, асосан, қамишдан, унинг елканлари эса тут дарахти пўстлоғидан олинган қоғоз ёрдамида тикилган. Бундай қоғоз ўшанда қўлда тайёрланиб, бир томони юпқа, иккинчи томони қалин ва мустаҳкам бўлган. Шунинг учун ҳам япон варраклари кучли шамолга-да бемалол дош беради. Музей экспозицияларидаги варракларга чизилган расмларда афсонавий япон самурайларидан тортиб, эртакнамо махлуқотларгача акс эттирилган. Бир сўз билан айтганда, бу ердаги оддий варраклар ҳам ўзининг сержило нақшлари билан ҳар қандай томошабинни ром айлаши тайин.

Варраклар музейида Эдо даврида яшаган варрак устаси Тэйцо Хашимото учун ҳам махсус бурчак ажратилган. Бурчакда иш жараёни тасвирланган бўлиб, устанинг мум ҳайкали ва унинг қўли теккан варракларни кўриш мумкин. Қолаверса, музейда чой маросимлари ўтказиш учун мўлжалланган махсус хона, шунингдек, варрак ясаш устахонаси мавжуд. Мазкур устахонада йил бўйи варраклар ясалади. Фақат январь ойидагина ана шу санъатни пухта эгаллаш истагида юрган томошабинлар учун бепул курслар ўтказилади. Томошабин бор-йўғи ярим соат ичида варрак ясашни ўрганиб олади.

Билишимизча, бундай музейлар дунёда саноқли. Токиодаги варраклар музейида экспонатларнинг бари нодир, бири иккинчисини такрорламайди. Сабаби ҳудудга хос ноёб варракларни ясаш технологияси ҳозиргача сир тутилади. Шу боис, япон варракларида ўхшаш жиҳатлар деярли учрамайди.

**Зафар МУҲАММАД**



# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР



## Самолёт қаерга қулаган?

**"Malaysia Airlines" авиакомпаниясининг лайнери йўқолиши бортдаги йўловчиларнинг ҳаракати натижаси бўлган".**



Бу ҳақда кеча Малайзия расмийлари маълум қилишган. Бош вазир Наджиб Тун Разакнинг фикрича, радар кўрсатган маълумотларга кўра, ҳақиқатан ҳам самолёт ўз йўналишини ўзгартирган ҳамда лайнернинг алоқа тизимида носозликлар кузатилган. Эслатиб ўтамиз, 8 март куни Малайзия авиакомпаниясига тегишли самолёт парвозга чиққанидан икки соат ўтиб, сирли тарзда ғойиб бўлган. Boeing бортида 14 мамлакатдан 239 киши бўлган. Айрим манбааларга кўра, радар экранларидан йўқ бўлиб қолган "Malaysia Airlines" лайнери Андаман денгизи ёки Бенгал кўрфазига қулаган бўлиши мумкин. "New York Times" газетасининг Малайзия армиясидаги манбаларига таяниб хабар қилишича, самолёт билан алоқа узилишидан аввал у ўз йўналиши ва учиш баландлигини бир неча бор ўзгартирган.

## Чилида зилзила

**Чили шимолида магнитуда кучи 6,7 баллга тенг бўлган ер силкиниши кузатилган, дея хабар берган ИТАР-ТАСС агентлиги.**



Зилзиладан сўнг цунами хавфи бор ҳудудларда яшовчи 100 мингдан ортиқ киши эвакуация қилинган. Мамлакатнинг фавқулодда вазиятлар миллий бошқармаси томонидан тарқатилган хабарларга кўра, эвакуация фақатгина эҳтиёткорлик мақсадида амалга оширилган. Метеорологларнинг хабарига қараганда, цунами юзага келган тақдирда ҳам у қадар кучли бўлмайди. Зилзила эпимаркази йирик Икике порти шимоли-ғарбидан 61 километр узоқликда бўлган. Эслатиш жоиз, 2010 йилнинг феврал ойида Чили мамлакатида магнитуда кучи 8,8 баллга тенг зилзила содир бўлган, оқибатда цунами юзага келган ва 524 кишининг ҳаётига зомин бўлган.

## Европа бўш уйлар макони ми?

**Айни пайтда Европада бўш уйлар сони 11 миллиондан ошгани аниқланди.**



Бўш уйлар сони кўплиги жиҳатидан Испания биринчи ўринда (3,4 млн.) турса, Италия иккинчи ўрин (2-2,7 млн.), Франция эса учинчи ўрин (2,4 млн.) ва Германия тўртинчи (1,8 млн.) ўринда турибди. Ҳали одамлар кўчиб кирмаган уйлар Португалия ва Буюк Британияда ҳам анчагина — тегишлича 735 ва 700 мингдан зиёд. Шу кунларда Европада умумий ҳисобда 4,1 миллион киши уйсиз бўлиб, ижарада яшамоқда.

## Қиш сарҳисоби

**Кунчиқар юрт мутахассисларининг фикрича, қишнинг совуқ келиши ва узоқ муддатга чўзилиши қишлоқ хўжалигига жиддий зиён етказган.**



Японияда қишнинг нисбатан совуқ келиши ва қалин қор ёғиши оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига етказилган зарар 190 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Маълумотларга қараганда, об-ҳавонинг инжиқлиги туфайли Япониянинг асосий Хонсю оролининг марказий ва шимолий қисмидаги 18 та музофотда кўпроқ қулупнай, бодринг ва помидор экинларига зарар етган.

## Ёғингарчилик оқибатида

**Боливияда кучли ёғингарчилик рўй берган.**



Тарқатилган хабарларга қараганда, оқибатда қарийб 50 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, бедарак йўқолганлар ҳам борлиги айтилмоқда. Табиий офатдан, шунингдек 24 мингдан зиёд киши зиён кўрган, 700 та уй, 9 минг гектар экинзор сув остида қолган.

*Интернет хабарлари асосида*
*Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади*

Реклама




ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## “Илик узилди”

### ёхуд авитаминознинг давоси

**Халқ орасида баҳорги ланжлик, беҳоллик, дармон қуришига «илик узилди» даври деб ном берилган. Бу даврда организмга зарур витамин ва минерал моддалар етишмаслиги сабабли авитаминоз кузатилади.**



Авитаминоз (витаминлар етишмаслиги) сабабли одам уйқудан кўз очишни истамайди. Сурункали чарчоқ туфайли қўли ишга бормайди. Диққат-эътибори сусайгани сабабли паришонхотир бўлиб қолади. Салгина асаббузарлик ҳам бундай инсонларни қуюшқондан чиқариб юборади. Уларнинг юз ва қўл териси ёрилиб, ачишади. Кўз тагида кўкимтир излар пайдо бўлади. Сочлар эса ўз жилосини йўқотиб, хира тус олади ва тўкила бошлайди. Шу боис, илик узилдидан эсон-омон чиқиб олиш эрта баҳорда униб чиққан жағ-жағ, отқулоқ, ялпиз, баргизуб, гулқоқи, йўнғичқа, газанда ўт, исмалоқ ва бошқаларни истеъмол қилиб бориши керак. Шифобахш гиёҳлардан ҳамда экиладиган ошкўклардан кўкпиёз, барра саримсоқ, кашнич, петрушка, шивит, райҳон, жамбил ва бошқалар қўшилган миллий таомлар — чучвара, манти, нон, сомса, суюқ овқатлар истеъмол қилинса-ку кони фойда. Зеро, инсон организми турли дармондориларга эҳтиёж сезган пайтда баҳорий неъматлар — шифобахш кўкатлар барчамизга асқотиши шубҳасиз.

БИЛАСИЗМИ?

Энг катта фламинголар ороли Измир (Туркия) шаҳрида бунёд этилган бўлиб, унинг майдони 6 минг 440 квадрат метрни ташкил этади.

* * *

Бу йил бутунжаҳон ўргимчак тўри (World Wide Web, WWW) ўзининг 25 ёшини нишонлайди. Интернет-коммуникацияга тамал тошини қўйган ушбу ғоя муаллифи инглиз физиги ва инженери Тим Бернерс-Ли бўлади.

ТУРФА ОЛАМ

## Сузувчи саҳна

**ЭРТАКНАМО КОНЦЕРТ МАЙДОНЧАСИ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ ФИРВАЛЬДШТЕТ КЎЛИ БЎЙЛАБ СУЗИШИ КУТИЛМОҚДА.**



Мазкур саҳна мамлакатга туризмнинг кириб келганига 200 йил тўлиши муносабати билан қурилаяпти. Майдонча, асосан, икки қисмдан иборат бўлиб, пўлатдан ясалган гул (саҳна унинг марказидан жой олади), тўртта минбар бўйлаб жойлаштирилган 700 томошабинга мўлжалланган ўриндиқларни ўз ичига олган. Иншоот ўлчамларига келсак, диаметри 38, баландлиги 12 метрни ташкил қилади. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, сузувчи саҳна қурилиши ҳамда фойдаланишга топширилиши учун салкам 3,2 млн. швейцар франки сарфланади. Бундан ташқари, сузувчи иншоотда томошабинларга қулайлик яратиш мақсадида бар, шунингдек, сайр майдончаси қўшимча равишда ишга туширилиши режалаштириб қўйилган.

## Интеллектуаллар ишонувчан бўлади

**ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРНИНГ ҲИСОБЛАШИЧА, ИШОНУВЧАН ИНСОНЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ БОШҚАЛАРГА НИСБАТАН АНЧА ЮҚОРИ ЭКАН.**



Бундай хулоса ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасида келиб чиққан. Олимларнинг айтишича, ишонувчан инсонлар ҳаётнинг пасту баландини яхши тушунади ва бир қарашда одамни одамдан фарқлай олади. Шу боис, улар ҳеч кимга ишонмайдиган, қилдан қийиқ қидирадиган инсонларнинг яқинига ҳам йўламайди. Демакки, уларнинг қуршовида фақат ўзига ўхшаш одамларгина бўлади. Интеллектуаллар деярли барча соҳада муваффақият қозонишади. Бундан ташқари, ишонувчанликлари боис улар мустаҳкам соғлиққа эга бўлиб, шахсий ҳаётида бахт ва омад ҳамиша кулиб боқаркан.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 8 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 327, Адади — 13854. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ
**Навбатчи:** Шоҳида ДАМАНОВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@inbox.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.50.
***ISSN 2010-7714***
1 2 3 5

Реклама



# “NAVOIYAZOT”

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни азизу мукаррам байрамимиз —*

# Наврўз айёми

*билан муборакбод этади.*

**Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик тарк этмасин.**



**Яшариш фасли юртимизга, ҳар бир хонадонга қут-барака олиб кирсин!**

**ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!**







**Обод манзиллар**

# Кўҳна ва навқирон Хоразм

**янада чирой очмоқда**

***2013 йилда Урганч шаҳридаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 344 миллиард сўм сарфланди. Бугун бу кўҳна шаҳар янгича қиёфа касб этиб, бир-биридан гўзал иншоотлар, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равон йўлларга эга бўлди.***

Айни пайтда Урганч катта қурилиш майдонига айланган, десак хато бўлмайди. Улуғ бобоколонимиз ал-Хоразмий номи билан аталувчи кўча ҳар қанча таърифу тавсифга лойиқ. Ғоят қисқа муддатда 3,7 километрга чўзилган мазкур кўчанинг икки четида кўп қаватли турар жойлар, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ва бошқа кўплаб иншоотлар қад ростлади.

— Урганч кундан-кун ёшариб, чирой очиб бормоқда, -дейди "Хива нефть-газ қурилиш таъмирлаш" МЧЖ раҳбари Ойбек Полвонов. — Айниқса, қишлоқларимизда ҳам шаҳарникидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар жойларни кўриб қувонмай бўладими? Ана шу қурилишларда корхонамиз ва Бахтиёр Юсупов раҳбарлигидаги вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қурувчиларининг ҳиссаси борлиги ундан-да қувонарли. Бир неча йиллардан буён вилоятимиздаги турли қурилиш ва таъмирлаш ишларида қатнашиб келамиз. Мақсадимиз жамият таркибидаги ишчи-хизматчилар кўмагида барча қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш.

Айни кунда ишчи-хизматчиларимиз билан Урганч шаҳридаги тиббиёт коллежининг иккита блогида мукаммал таъмирлаш ишларини олиб бораяпмиз. Мустақиллик байрами арафасида топширилиши режалаштирилган мазкур мажмуада 1 миллиард 137 миллион 620 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Шу кунларда қурувчиларимизнинг 80-90 нафари таъмирлаш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

— Болалардаги қобилият, истеъдод ва иқтидорни ўз вақтида илғаб, уларга кўмаклашиш, наинки ота-она, жамиятнинг ҳам вазифаси саналади, - дейди биз билан суҳбатда "Ирригация темир бетон қурилиш" МЧЖ раҳбари Олим Мадаминов. — Шаҳримизда ёшларнинг соғлом бўлиб ўсиб-улғайиши, дам олиши, ўз истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча имконият яратиб берилган. 2000 йили шаҳримизда Олимпия захиралари коллежи қуриб фойдаланишга топширилганди. Шундан буён мазкур масканда ўқиётган, коллежни тамомлаган кўплаб иқтидорли ёшлар Осиё ва жаҳон мусобақаларида ғолиб бўлишди.

Айни кунда коллежда қўшимча объектлар қуриш ва ўқув биноларини мукаммал таъмирлаш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Бизнинг қурилиш корхонамиз ишчи-хизматчилари йил якунига қадар бу ерда 5 миллиард 850 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришади. 300 ўринли ошхона биноси, шунингдек, гандбол, кураш залларининг қурилишида 100-120 нафар қурувчиларимиз иш олиб бормоқда. Ушбу иншоотларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши шаҳримизнинг янада обод ва кўркам бўлишини таъминлайди.

— Шаҳримизга келаётган меҳмонлар унинг кундан-кун чирой очиб, ажиб бир манзара касб этаётганини айтишмоқда, -дейди кекса журналист Ҳусайн Раҳмон. — Текис ва равон йўллар, гўзал ва бетакрор иморатларни кўриб ғурурланиб кетасан, киши. Ҳар куни набираларимни олиб, шаҳримизнинг қоқ марказидан кесиб ўтувчи Шовот канали бўйларида сайр қиламан. Тўғриси, илгарилари бу ерлар ўта овлоқ жойлар эди. Қурувчиларимиз барака топсин. Уларнинг йил давомидаги фидокорона меҳнати туфайли ҳудуд жамоат масканига айлантирилди. Каналнинг устидан ўтувчи кўприклар замонавий усулда таъмирланди. "Авесто" боғи қайта чирой очди.

Шаҳарда келин-куёвларнинг унутилмас онлари нишонланадиган "Бахт уйи" ўзига хос меъморий ечим асосида қад ростламоқда. Унда ёшларимиз учун кўплаб хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳам жой олади. Қурилиш ишларини Шуҳрат Ҳожиев раҳбарлигидаги "SHAMZ-SB" хусусий корхонаси қурувчилари сифатли қилиб бажармоқда. Шунингдек, шаҳардаги 3-сон болалар поликлиникаси, маданият ва санъат, политехника ва технология коллежларида ҳам таъмирлаш ишлари кетаётир. "Хива нефть-газ қурилиш" унитар корхонаси томонидан 9,7 гектар ерда бунёд этилаётган "Спорт" мажмуаси эса янгитдан қад кўтармоқда. Бу ерда қурилаётган манежда ёшлар спортнинг 10 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлишади. Шунингдек, мажмуада сув мусобақаларини ўтказиш учун бассейн, гимнастика, таэквондо, бокс, кураш заллари ҳам бунёд этилмоқда. Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг кучли, соғлом ва бахтли бўлиб улғайишлари учун яратилаётган яна бир имкониятдир.

Ҳусайн аканинг гапида жон бор. Ёшларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиши ҳамда таълим тарбиясига ҳар тарафлама эътибор берилаётгани замирида эртанги кунимиз эгаларига билдирилаётган юксак ишонч ва рағбат мужассам. Бу борада хоразмлик бунёдкорларимиз амалга ошираётган ишларга ривож ва барака тилаб қоламиз.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ, “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ, ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

*Мамлакатимизнинг барча фуқароларини меҳр-мурувват, гўзаллик, яшариш ва бағрикенглик тимсоли бўлган, халқимизнинг умрбоқий анъана ва удумлари мужассамлашган*

# НАВРЎЗ БАЙРАМИ

*билан қутлайди.*

**ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ХАЛҚАРО ВА ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Қалбларимизга меҳр нури, баҳор нафаси ва бетакрор гўзаллик сururини олиб келган —

## *Наврўзи олам*

билан табриклайди!

**Асрий анъана ва урф-одатларимиз бардавом бўлаверсин!**



**ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ВА ОБОДЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!**

**“PAPFEN” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ ХОРИЖИЙ КОРХОНА ЖАМОАСИ**

*Бутун Ўзбекистон халқини яшариш ва янгиланиш байрами —*

## НАВРЎЗ

*билан табриклайди.*

*Юртимизда Наврўз шодиёналари бошланиб, баҳорий кайфият ҳукм сураётган ушбу шукуҳли кунларда Сиз, азизларга бахт ва омад, соғлик-омонлик, дилингиздаги барча эзгу ниятларингиз ижобат бўлишини тилаймиз.*

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**










Тадбир

# “Шарқ” НМАК

## болалар адабиётига катта эътибор қаратмоқда

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан навқирон авлодни жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган адабиётларни мазмун ҳамда сифат жиҳатидан янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Унда ноширлар, шоир ва ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Компания фаолиятида таълим жараёни учун матбаа маҳсулотлари, болалар адабиёти намуналарини чоп этиш устувор ўрин тутади. Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш базаси Германия, Швеция, АҚШ, Япония каби давлатлардан келтирилган илғор технологиялар, матбаа дастгоҳлари ва ускуналари билан жиҳозланган. 2013 йилда компания томонидан 27,5 миллиард сўмлик босма маҳсулотлар - газета-журналлар, китоб, дарслик ва дафтарлар халқимизга етказиб берилди. Айни пайтда компания матбаа базасида 77 номдаги газета, ўнлаб журнал чоп этилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, компания болалар адабиётини янада ривожлантириш, ёш авлод онгу шуурини турли ахборот хуружлари, миллийлигимизга мутлақо ёт ғоя ва қарашлардан ишончли тарзда ҳимоялаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида компания томонидан болаларнинг китобга бўлган меҳрини кучайтириш, уларни ватанпарварлик, фидойилик, миллий ва умумбашарий анъаналарга содиқлик руҳида камол топтиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу чоққача компания томонидан нашрга тайёрланган “Соғлом бола тарбияси”, “Ўзбек халқ болалар ўйинлари”, “Само юлдузлари”, “Ўзбек халқ эртаклари”, “Жаҳон халқлари эртаклари”, “Олам ва одам”, “Тирик сайёра”, “Танишинг — ер сайёраси” каби китоблар ота-оналар, ўқувчилар, мактабгача ёшдаги болаларга манзур бўлмоқда. Мазкур адабиётлар кирилл ва лотин алифбосида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётир.

Жорий йилги янгиликлардан бири — нашриёт “XXI аср умидлари” рукнида истиқлол йилларида миллий адабиётимизда ўз сўзи ва овозига эга бўлиб бораётган ёш ижодкорларнинг асарларини китоб ҳолида чоп этишни режалаштирган. Чет тилларини ўрганиш истагидаги ўқувчи-ёшлар учун 15 дан ортиқ луғат, тил бойлигини орттиришга қаратилган китобларнинг ранг-баранг иллюстрация ҳамда изоҳларга бой тарзда нашр этилаётгани ёш китобхонларни бефарқ қолдирмайди.

Анжуман сўнгида болалар учун мўлжалланган нашрлар, матбаа маҳсулотларининг ташқи кўриниши, дизайни, сифати ва мазмунини янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди, журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

**Феруза РЎЗИЕВА**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОНКОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИ ЖАМОАСИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Барчангизни фасллар келинчаги баҳор шодиёнаси -
Наврўз байрами билан қизғин табриклаймиз. Энг эзгу ва самимий
тилакларимизни сизларга йўллаб қоламиз.

НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

"ТРАСТБАНК" хусусий очиқ
акциядорлик биржа банки жамоаси

Ўз акциядорлари ҳамда барча
юртдошларимизни қадимий ва
миллий байрамимиз —
Наврўз
билан самимий қутлайди.
Барча эзгу-тилаклар сиз учун!

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

"ХОРАЗМ ПАХТАСАНОАТ"
ҳудудий акциядорлик бирлашмаси
жамоаси

Баҳор айёми халқимизга хушкайфият,
битмас-туганмас қувонч бағишласин.

Эзгулик, бахт, омад
ҳаммамизга ёр бўлсин!




**Траддуд**

# Юртимга баҳор келганда...

***Фасллар келинчаги баҳор зебо給аниб, ороланиб юртимизда кезаётир. Кўклам либосига бурканган она табиат бугун ўзгача чирой касб этмоқда. Қир-адирларда бўй кўрсатган бойчечак ҳамда пурвиқор тоғлардан оқиб тушаётган зилол сувлар бизга баҳорий кайфият улашиб, мудом эзгулик сари чорлаётгандек.***

Қиш фасли ўз ўрнини кўкламга бўшатиб берди. Бободеҳқонларимиз ерга барака уруғини қадай бошлашди. Чорвадор халқи йилнинг файзу барокатли келишини, кексаларимиз эса дастурхонимиз тўкин- сочин бўлишини сўраб, дуога қўл очадилар. Ана шундай дамда юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлманг, баҳор, қолаверса, меҳр-саховат байрами бўлмиш Наврўзи олам нафасини дилдан ҳис этасиз.

Яшариш ва янгиланиш рамзи Наврўз ўз номи билан хайр-саховат, меҳр-мурувват байрами ҳамдир. Бу муборак айёмда одамлар бир-бирларига меҳр улашибгина қолмай Наврўзга бағишланган куй-қўшиқлар ҳам айтилади. Кўклам ҳадя этган эҳсонлардан бири сумалак сайлида хотин-қизлар, ёшу қари давра қуриб дошқозон атрофида ўйин-кулги қиладилар. Республикамизда Наврўз умумхалқ байрами ҳар йили кенг нишонланади. Жойларда байрамга тайёргарлик ишлари ҳам шунга мувофиқ олиб борилади. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг ҳар бир кўчаси, байрам ўтадиган боғу хиёбонларида ҳам ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳар бир корхона ва муассасадан тортиб, маҳалла фуқаролар йиғинларигача Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан ўтказишга тараддуд кўрмоқда.

Халқимизда ҳамал ойида қилгин амал, деган нақл бор. Бу фаслнинг кириши билан қилинадиган муҳим ишлардан бири кўчат ўтқазишдир. Байрам олди ташкиллаштириладиган умумхалқ ҳашарида ҳам дов-дарахтларга шакл берилди, ариқ-зовурлар тозаланди, қабристонлар эса ободонлаштирилди. Энг асосийси, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, якка-ёлғизларга мурувват кўрсатилади. Буларнинг бари халқимизнинг азалий қадриятларига хос бўлган саховат намунасидир.

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда партиянинг шаҳар ва туман Кенгашлари ҳам бу борада ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни ният қилган. Наврўз шодиёналарига тараддуд олис ва тоғли ҳудуд — Бойсун туманида ҳам авжида десак, муболаға бўлмайди. Зеро, миллий қадриятларимиз қадр топган бу мўъжазгина масканда одамлар Наврўзни интизорлик билан кутадилар. Айниқса, бутун дунёни ҳайратга солган "Шалола", "Бойсун", "Куралай" фольклор-этнографик халқ ансамбллари байрамга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Мазкур ансамбллар томонидан халқ қўшиқлари, лапарлар, ўлан ва ёр-ёрлар, алла, айтишувларнинг айримлари созсиз, айримлари миллий мусиқа асбоблари ёрдамида (дутор, доира, рубоб, най) ёки қадимий мусиқа асбоблари (чанқовуз, сибизға, дўмбира) жўрлигида ижро этилади.

Барчамизга маълумки, табиати бетакрор Бойсун халқ оғзаки ижоди намуналари ниҳоятда бойлиги, ранг-баранглиги, шунингдек, номоддий оғзаки дурдоналарнинг кенг сайқал топгани билан ажралиб туради. Баҳорнинг келиши, табиатнинг уйғониши, турли-туман гулларнинг қийғос очилиши билан Бойсунга хос сайиллар уюштирилади. Булар "бойчечак", "сумалак", "чучмома" сайлларидир. Айниқса, "бойчечак" сайлига чиққанлар бойчечак теришдан завқланганча қуйидаги қўшиқни куйлашган:

**Бойчечак баҳор келса очилади,**
**Яхшиларнинг бошидан сочилади.**
**Ихлос билан бойчечакни суртса кўзга,**
**Юзга кирган момолар ҳам ёшаради.**

Баҳор келиши билан шудгор қилинган ерга деҳқонлар барака тилаб, ерга уруғ сепиб қуйидаги қўшиқни ўзига хос оҳангларда ижро этишган:

**Куртак бўлсин, майса бўлсин,**
**Бошоқ бўлсин, дон бўлсин.**
**Буғдой бўлсин, кепак бўлсин,**
**Ун бўлсин — у, нон бўлсин.**

Ҳа, Наврўз барчамизни эзгуликка чорловчи, меҳр-оқибатни қалбларимизга жо қилиб, шодликлар инъом этувчи, хонадонларимизга файз-барака олиб кирувчи ана шундай байрамдир.

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ

*жамоаси*

Сизларни она заминимизга
беқиёс ҳусн бағишлаётган

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан қутлайди!*










## “НАМАНГАН ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” ОАЖ ЖАМОАСИ

**Мамлакатимиз аҳлини эзгулик тантанаси мужассам айём —**

# Наврўз шодиёнаси

**билан муборакбод этади.**



## БАЙРАМ МУБОРАК!



## “ASIAELEGANTSTAR” МЧЖ жамоаси

*Азиз ватандошларимизни*
*гўзал айём билан*
*чин қалбдан табриклайди.*
*Барчангизни хуш кайфият,*
*беғуборлик ва хотиржамлик*
*йил давомида тарк этмасин.*




## Наврўз муборак!



**ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БОЙСУН ТУМАН ЎҚУВ-СПОРТ ТЕХНИКА КЛУБИ ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни*
*гўзаллик ва нафосат айёми —*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан қутлайди.*

*Меҳнатсевар халқимизнинг*
*хирмонлари юксалаверсин.*
*Оилавий тотувлик,*
*бахт ва омад сизу*
*бизни тарк этмасин!*


Ибрат

## Интилган довон ошар

***Мустақил фикрлай оладиган, ўз қарашига эга ёшлар эртанги кунимиз давомчиларидир. Ўқувчилар орасида истеъдодлиларини аниқлаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш мақсадида фан олимпиадалари ва кўрик-танловлар ўтказиб келинади.***

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 293-умумтаълим мактабида 4-синф ўқувчилари ўртасида ана шундай мақсадда кичик фан олимпиадаси ўтказилди. Унда Насиба Аҳмедова дарс бераётган 4-“А” синф ўқувчилари ҳам қатнашиб, туман босқичига йўлланма олган эдилар. Навбатдаги туман босқичида эса Ҳуснора Омонбоева она тили фанидан, Шаҳзод Ибодуллаев математикадан, Матлуба Алишерова ҳуснихатдан, Севинч Туропова тасвирий санъатдан юқори балларга эга бўлиб, шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.



Туман ХТМФМТ ва ТЭБ методисти Жанара Тожибоева ғолиб ўқувчиларни қутлаб, уларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Ўқувчилар билан мунтазам шуғулланиб боришни ўзининг асосий бурчи деб биладиган Н.Аҳмедова шогирдлари эришган ютуқлардан беҳад мамнун бўлди.

Ушбу даргоҳда бошланғич синфларда дарс бераётган М.Омонова, М.Ҳамроева, З.Эшбекова, М.Маҳмудова, Н.Тожибоева, З.Алиевани ҳам ана шундай фидойи ўқитувчилар сарасига киритиш мумкин. Чунки улар ўқитувчилик ниҳоятда масъулиятли касб эканлигини чуқур англаган ҳолда фаолият юритадилар.

**Нигора РАҲМОНОВА**

# “УРГАНЧКОРММАШ” ЖАМОАСИ

*Жаннатмонанд ўлкамизга ўз тароватu,*
*хушбўй ифорлари билан кириб келган*
*баҳор фаслининг хуш айёми —*

НАВРЎЗ

*билан чин дилдан табриклайди.*

ТУРМУШИМИЗДАН ОБОДЛИК,
ҚУТ-БАРАКА АРИМАСИН!





## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ “НУРАФШОН” СИҲАТГОҲИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан табриклайди. Халқимиз тинч, юртимиз обод бўлсин!







МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗ ҲАМИША
ГУЛЛАБ ЯШНАЙВЕРСИН!

## ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*Барча ўзбекистонликларни ва юртимизга ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларни*

*НАВРЎЗ*

*байрами билан қизғин табриклайди.*

*Буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг истиқболи порлоқ бўлсин.*

БАЙРАМ МУБОРАК!




Таълим

# Иқтидорли ёшлар маскани

***Ватан келажаги, тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан ёш авлоднинг қай даражада таълим-тарбия олгани ҳамда камол топишига боғлиқ. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда юртимизда мавжуд олий таълим муассасаларида мустақил ва соғлом фикрли, ҳар томонлама етук, баркамол ёшларни вояга етказиш, юксак малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Буни Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.***

Бугунги кунда университетда 9 та факультет, магистратура бўлимлари ва 41 кафедра мавжуд. 47 бакалавр таълим йўналиши ва 20 магистратура мутахассислиги бўйича талаба-ёшларга 700 нафарга яқин профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. Ўқитувчилар орасида 3 нафар академик, 40 нафар фан доктори ва профессори, 242 нафар фан номзоди ва доцентлар бор. Уларнинг кўплаб илмий ишлари хорижий давлатлардаги илмий журналларда эълон қилиниб, ривожланган мамлакатлардаги илмий марказлар билан алоқаларни кучайтиришмоқда. Натижада, ҳозирги вақтда бир қанча халқаро ҳамда давлат аҳамиятига молик масалалар юзасидан иш олиб борилмоқда.

Университет бой фундаментал ахборот-ресурс марказига эга бўлиб, бу ерда 550 ўринли 10 та ўқув зали бор. Ахборот-ресурс марказининг китоб фонди 497530 донани ташкил этади.

Сўнгги йилларда университет талабаларидан икки нафари Президент стипендияси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Ниҳол” давлат мукофоти, Улуғбек, Навоий ва Бердақ номидаги стипендия соҳиб бўлди.

Охирги 3 йил давомида университетдан 30 га яқин профессор-ўқитувчилар Бельгия, Германия, Польша, Хитой, Ҳиндистон, Венгрия, АҚШ, Латвия, Швеция, Россия, Украина, Новосибирск, Португалия, Қозоғистон ва Туркманистон Республикаларидаги нуфузли олий ўқув юртлари ва илмий марказларда малака ошириб, халқаро анжуман, семинар ва тренингларда қатнашишди. Университет талабалари халқаро ва чет эл фондлари стипендия дастур ва танловларида, шунингдек, Словакия, Чехия, Корея давлатларида билимларини ошириб-гина қолмай, семинарларда қатнашиб, халқаро стипендияларга эга бўлишмоқда.

Университетда 2013-2014 ўқув йилида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, барча тадбирлар университетнинг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлар кафедралари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг таянч маскани, хотин-қизлар кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мураббийлар кенгаши, Бирлашган касаба уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида амалга ошириб келинмоқда.

Университетда ташкил этилган Миллий ғоя ва мафкура илмий - амалий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти талаба-ёшларга тушунтирилиб, мамлакатимизнинг турли соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, эришилаётган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида ахборотлар берилмоқда. Шунингдек, талаба-ёшларнинг сиёсий дунёқараши, ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш бўйича ҳам бир қатор амалий ишлар қилинди.

Мазкур илм даргоҳида ҳар ойнинг сўнгги пайшанбасида “Маънавият куни” ўтказилади. Талаба-ёшлар машғулотдан бўш вақтларида Бердақ номидаги давлат мусиқий театрига, С.Хожаниязов номидаги қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрига ташриф буюришади. Шунингдек, музей, турли кўргазма, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштирилиб, маънавият билан боғлиқ турли кеча, кўрик-танлов ҳамда спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Ҳафтанинг жума кунлари эса 45 дақиқага мўлжалланган “Ахборот соати” машғулотлари ташкил қилинган. “Ахборот гуруҳи” ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлар кафедраларининг малакали профессор-ўқитувчиларидан таркиб топган бўлиб, унда Президентимизнинг чиқишлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ютуқлар ҳақида, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга қаратилган, экстремизм, терроризм, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Қорақалпоқ давлат университетида бугунги кунда жами 72 та тўгарак ва клуб фаолият кўрсатмоқда. Шулардан фан тўгараклари — 32 та, спорт тўгараклари — 12 та ва маънавий-маърифий тўгараклар эса 29 тани ташкил этади. Мавжуд тўгарак ва клубларга жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва малакали мураббийлар жалб этилган.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган “Китобхонлар байрами” маданий-маърифий танловнинг ҳудудий босқичида “Китоб тафаккур хазинаси” мақолалар танлови йўналиши бўйича университет филология факультети талабаси Муқаддас Алламбергенова, “Ёш ижодкор талаба” танлови йўналиши бўйича қорақалпоқ филологияси факультети талабаси Гулжахан Сейтназарова, педагогика факультети талабалари С.Аяпов ва А.Даўлетмуратовалар ғолиб топилди. Улар Тошкент шаҳрида ўтказилган танловнинг якуний босқичида иштирок этиб, фахрли 1-2 ўринларни эгаллашди. 2013 йилда Тошкент шаҳрида олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” Республика кўрик-танловида университет жамоасининг “Хурлиман” халқ ансамбли 1-ўринни эгаллади.

Замонавий усулда қурилиб, қад ростлаган муҳташам спорт мажмуалари, спорт майдончалари талаба-ёшлар ихтиёрида. Бу ерда спортнинг баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол, мини футбол, шахмат, миллий кураш, дзюдо, белбоғли кураш, спорт тенниси, бадминтон, сузиш, гимнастика каби 12 тури бўйича мунтазам машғулотлар олиб борилади. Талабаларнинг секцияларда олиб бораётган машғулотларига етакчи спорт мутахассислари, малакали профессор-ўқитувчилар мураббийлик қилмоқда.

**Эркин ЙЎЛДОШ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ВА ТУМАНГАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА УРГАНЧ ШАҲАРГАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Юртимиз аҳли ва меҳмонларини нафосат, мурувват ҳамда саховат рамзи — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади.



Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни қут-барака тарк этмасин.

**“ҚАШҚАДАРЁ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” ОАЖ ЖАМОАСИ**

*Наврўз*

*айёми билан самимий қутлайди!*



*НАВРЎЗ Сизга БАХТ ва ОМАД келтирсин!*

**ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШҚАРМАСИ**

*жамоаси*

Барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш байрами —

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан қизғин табриклайди. Хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик, қут-барака тилаймиз.



**НУКУС ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ**

*жамоаси*

*Барча юртдошларимизни борлиқни гулларга буркаган, юртимизга қут-барака, олам-олам қувонч ва шодлик олиб келган баҳор айёми билан қутлайди.*

*Наврўз*

*шукуҳи сизларни йил бўйи тарк этмасин!*

**ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ КОСОН ТУМАН ЎҚУВ-СПОРТ ТЕХНИКА КЛУБИ ЖАМОАСИ**

Эзгулик ва қадриятларга бой бўлган, она заминимизни гулу чечакларга бурканган баҳорий байрам -

Наврўзи олам

билан самимий табриклайди. Наврўз қалбимизга шод-хуррамлик, юртимизга тинчлик, хотиржамлик олиб келсин.

Обод масканлар

## Зиё таратган элда азиз

***“Соғлом бола” йилида халқимизнинг боқий қадриятларидан бири ҳашар юртимиз бўйлаб қизғин тус олди. Айниқса, мактабларимизнинг фан кабинетлари, ҳовли ва болалар спорт майдончаларини саранжом-саришта сақлаш, турли мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазиш, гулзорлар барпо этиш анъанага айланди.***

Биргина шу йилнинг эрта баҳорида мактабимиз ҳудудида 1200 туп манзарали, 300 туп мевали дарахт, бир неча минг гул кўчатлари ўтқазилди, ҳашар йўли билан йўлаклар текисланиб, асфальт ётқизилди. Бундай ишларни кўриб кўзингиз қувонади. Теварак-атрофни ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларидан ташқари, мактабимизнинг спорт зали, болалар майдончаси ва ўйингоҳ тўлиқ таъмирланиб, қайта жиҳозланди.

Ўқув даргоҳимизда 53 нафар педагог бўлиб, шундан 14 нафари ЎзМТДП аъзосидир. Мактабимиз қошида улар томонидан бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси фаол ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Жумладан, ўқувчиларни қизиқтирган долзарб мавзулар бўйича турли тадбир, давра суҳбати ва кечаларни ташкиллаштириб туришади. Қолаверса, “Сиз тарихни биласизми?”, “Гиёҳвандлик ва ОИТС — умр заволи”, “Конституция — бахтимиз пойдевори”, “Ўзбекистон-мустақил диёр” каби кўрик-танловлар БПТ фаолларисиз ўтмайди. Мазкур кўрик-танловлар нечоғли самара бераётганини ўқувчиларимизнинг туман ва вилоят миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб келаётганидан ҳам билиш мумкин.

“Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари бугунги кунда нафақат педагоглардан, балки ўқувчилардан ҳам ижодкорликни, янгича фикрлаш, замон билан ҳамнафас яшашни талаб қилади. Бу эса биз педагоглардан ўз касбимизга бўлган масъулиятни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Халқ маорифи аълочиси, “Меҳнат шуҳрати” ордени нишондори Дилором Кўчимова, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоларидан Насиба Шарипова, Раҳима Муродова, Раъно Мустафаева, Башорат Ҳасанова сингари фан ўқитувчилари, Гулнора Ҳасанова, Башорат Ҳасанова каби бошланғич синф ўқитувчилари мактабимиз фахри ҳисобланади.

Ўқитувчиларнинг маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш ва юксалтиришда бир қатор ибратли ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Мактаб кутубхонаси қайта таъмирланиб, китоб фонди 9 мингтага етказилди. Зиё таратган элда азиз, дейдилар. Эртанги кун умидлари бўлган ўқувчилар билан мунтазам ишлаш, иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш, турли кўрик-танловларни ўтказиш — буларнинг ҳаммаси эртанги кун эгаларини тарбиялашда дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

**Дилдора РАҲИМОВА,**
**Жиззах туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори, ЎзМТДП БПТ етакчиси**